

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334.722(075)**

Донаева Феруза Бурхон қизи

«Агросоноат интеграциясини ривожлантириш йўллари»

(Қашқадарё вилояти Қарши “Дунё-М”АЖ мисолида)

5A230102 – Иқтисодиёт (реал сектор)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар _____ доц. Б.Султонов

Илмий маслаҳатчи _____ доц. З.С.Шоҳўжаева

“ _____ ” _____ 2019 йил

Қарши – 2019

Мундарижа

	Кириш.....	3
1- боб.	Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари.....	9
1.1.	Агросаноат мажмуасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.....	9
1.2.	Агросаноат интеграциясининг назарий ва услубий асослари.....	18
	1-боб бўйича хulosалар.....	29
2- боб.	Вилоят агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	33
2.1.	“ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ижтимоий-иктисодий тавсифи ва худуд агросаноат интеграциясини ривожлантиришдаги ҳолати таҳлили.....	33
2.2.	Дон маҳсулотларини етишириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларининг ривожланиш ҳолати.....	47
2.3.	Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги.....	56
	2-боб бўйича хulosалар.....	61
3- боб.	Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.....	63
3.1.	Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....	63
3.2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта иглаш ва экспортга чиқариш интеграцион тизимида агрокластерларни ташкил этишни такомиллаштириш.....	70
	3-боб бўйича хulosалар.....	79
	Хulosса ва таклифлар.....	82
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Маълумки, мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда агросаноат мажмуаси муҳим ўрин эгаллади. Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий имкониятларини юксалтиришда агросаноат интеграциясининг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир. Агросаноат интеграцияси фаолиятининг асосий мақсади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёрда барқарор ишлашини таъминлаш, провардида эса мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Агросаноат интеграцияси бугунги кунда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва мақбул шаклларини вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арzonлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Агросаноат интеграциясини ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий қувватини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиласи. Шу сабабли мамлакат агросаноат интеграциясининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий эътибор берилиб келинмоқда. Бу эътиборнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат интеграцияси тармоқ ҳамда корхоналари фаолиятини юритиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат интеграцияси қишлоқ

хўжалигида ишлаб чиқариш асосан фермер, дехқон ва ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этилди, бозор талаблари ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирилди. Аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олиб ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган маҳсус тизим (тармок) вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий – техника базаси яратилди.

Шу нуқтаи назардан мамлакат агросаноат интеграциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб масалалар қаторига қўйилди.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги¹ Фармонида “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш” бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Мамлакат агросаноат интеграциясининг халқаро алоқларини ривожлантириш, дунё мамлакатлари таржибалари ва илгор технологияларидан оқилона фойдаланиш катта ижобий амалий аҳамиятга эга. Бугунги кун дунё давлатлари тараққиёти шу даражага етдики уларнинг ўзаро боғлиқлиги алоҳида олинган давлат иқтисодиётининг натижаларида тобора кўпроқ салмоққа эга бўлмоқда. Мамлакатлараро, дунё иқтисодиётида интеграциялашув жараёни кучайиб кетди. Бу ўз навбатида дунёда мавжуд

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сони.

илғор техника ва технологиялардан, молиявий ресурслардан кенгроқ фойдаланишни талаб қиласи.

Юқорида санаб ўтилган масалаларни илмий ҳал этиш учун зарурий назарий билимларни ўзлаштиришда ушбу тадқиқот иши асос бўлиб хизмат қиласи ва мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси унинг у ёки бу жиҳатларини ёритиб берувчи кўпгина назарий, шу жумладан, монографик ишларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Агросаноат мажмуасининг таркибий тузилмаси ва унга кирувчи тармоқлар хусусида россиялик олимлардан А.В.Турьянский, В.Л.Аничин, Е.В.Серова, В.А.Кундиус, М.Л.Лезин, В.А.Тихонов ва Ю.В.Седыхлар² ўз тадқиқот ишларида агросаноат мажмуаси таркибини 3 та соҳадан иборат деб изоҳлаганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан эса А.Абдуганиев, Р.Ҳакимовлар агросаноат мажмуаси таркибини 4 та соҳадан иборат деб таъкидлайдилар.

АСМ таркибига кирувчи соҳалар борасида юқорида келтирилган фикрларда уларни турлича талқин этиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, А.В.Турьянский, В.Л.Аничин ва В.А.Кундиуслар қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва уларга сервис хизматлари кўрсатувчи (инфратузилмалар) соҳаларни АСМнинг битта соҳасига киритсалар, А.Абдуганиев ва Р.Ҳакимовлар³ уларни АСМнинг алоҳида иккита соҳасига ажратишган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрини ўргангандек ҳолда айнан Қашқадарё вилояти ҳудудида агросаноат интеграциясини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Айниқса, бу

² Е.В.Серова. Аграрная экономика. Учебник. -М.: ГУ ВШЭ, 1999. -146-147 с., А.В.Турьянский, В.Л.Аничин. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. - белгород: Издательство БелГСХА, 2010. -80 с., В.А.Кандус. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие. -М.:КНОРУС, 2010. 99-100 с.

³ А.Абдуганиев, А.А.Абдуганиев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Адиб нашриёти” МЧЖ.2011. 26-31 б., Р.Ҳакимов. Аргосаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. -Т ТДИУ, 2009. 19 б.

мавзудаги магистрлик диссертация тадқиқотларининг олиб борилмаганлиги мазкур тадқиқот ишининг аҳамиятини янада оширади.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти “Иктисодиёт” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Диссертация ишининг мақсади. Агросаноат интеграциясини ривожлантириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация ишининг вазифалари: Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар белгиланган ва ҳал этилади:

- Агросаноат интеграциясининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- Агросаноат интеграциясининг назарий ва услубий асосларини ёритиш;
- “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ижтимоий-иктисодий тавсифи ва ҳудуд агросаноат интеграциясини ривожлантиришдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Дон маҳсулотларини этиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш интеграцион тизимида агрокластерларни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти бўлиб, Қашқадарё вилояти Қарши “ДУНЁ-М”АЖ танлаб олинган.

Қашқадарё вилояти агросаноат интеграциясини ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Магистрлик диссертация ишида таққослаш, монографик ўрганиш, статистик гурухлаш, қиёсий таҳлил қилиш, иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланиш назарда тутилган.

Тадқиқот натижаларида қутилаётган илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Диссертация ишида илмий тадқиқот олиб бориш натижасида қутилаётган илмий янгилик натижалари қўйидагича:

- ✓ агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари аниқланди;
- ✓ агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва услугубий жиҳатлари асосланди;
- ✓ агросаноат интеграциясини ривожлантириш натижасида иқтисодий самарадорликка эришувчи хўжалик юритувчи субъектланинг самарадорлиги таҳлил этилиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялари илмий ва амалий жиҳатдан асосланди;
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш интеграцион тизимида агрокластерларни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан агросаноат интеграциясини ривожлантиришга оид назарий-методологик ва услугубий жиҳатларини ҳамда мавзуга оид иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан вилоят агросаноат интеграциясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий

хужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, ҳар бир боб бўйича хулоса ва таклифлар, умумий хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Агросаноат мажмуасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни энг аввало мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи балан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан кўпроғи агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилади. Мажмуанинг аҳамияти энг аввало унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиммати билан белгиланади. Гап шундаки, агросаноат мажмуасининг охирги маҳсулоти инсонлар кундалик истеъмолига қаратилган озиқ-овқат ва инсонларнинг шахсий кийим-кечаклари, уй-рӯзғор буюмлари ҳисобланади. Мамлакат агросаноат мажмуасида озиқ-овқатнинг 99 фоизидан кўпроғи етиштирилади. Мажмуа мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди.

Бугунги кунда ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш асосида озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат сиёсий барқарорлиги ҳамда миллий мустақиллигининг муҳим шарти саналади. Маълумотларга қараганда “озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айrim минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли

равища овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммоларни бошидан кечирмоқда. Ана ундаи сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда”⁴.

Агросаноат мажмуаси мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди. Мажмуа аҳоли учун иш жойлари беради. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсадига тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов – “Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-ғовларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса, ишсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиш зарур”⁵ деган эди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига 33,5 млн. кишини ташкил этди. Мамлакат аҳолисининг ўртacha ёши нисбатан ёш ҳисобланади. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи ўсмир ва ёшларни ташкил этади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиёти олдида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки нисбатан ёш аҳолига эга бўлиш аҳолининг табиий ўсишга нисбатан меҳнат ресурсларининг тез ўсишига олиб келади. Масалан, республика аҳолисининг табиий ўсиши 2000-2018 йилларда йилига ўртacha 1,27 фоизни ташкил этган ҳолда меҳнат ресурслари шу йиллари ичida 2,3 фоизга ошган. Натижада аҳолининг меҳнат ёшига тўлганларини иш билан таъминлашни яхшилаш зарурати туғилади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлганларининг 75 фоизига яқини агросаноат мажмуасида ишлайди.

⁴ И.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 07.06.2014.

⁵ И. Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қурдатимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букулмас иродасига боғлиқ. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.-32 б.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб анча юқори бўлиб, у истеъмолчилар диди ва хоҳишларидаги ўзгаришлар, бозордаги кучли рақобат муҳити, ишлаб чиқариш технологияларининг кун сайин такомиллашуви ҳамда маҳсулот сифатига қўйиладиган фитосанитар ва бошқа талабларнинг кучайиб боаётганлиги билан ҳарактерланади. Бундай шароитда бир томондан қишлоқ хўжалиги тармоқлари уларга етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситалари ва кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатлилигидан манфаатдор бўлсалар, иккинчи томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар учун хомашёнинг сифати кўрсаткичлари ҳамда стандартларга мослиги катта аҳамият касб этади. Натижада АСМ таркибиغا кирувчи барча тармоқлар ўртасида ўзаро манфаатдорлик ва яқин ҳамкоркорликка асосланган чуқур интеграцион алоқалар тўхтовсиз ривожланиб боради. Бугунги кунда уларни бирбиридан ажralган ҳолда ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди ва уларнинг ягона мақсад йўлидаги интеграцион ҳамкорлиги провард натижанинг самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 7 февралда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” бўйича фармонини қабул қилди. Унга кўра, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни кисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган


ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга, қасаллик ва заараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган ҳайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, фермер хўжаликлар, энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, курилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш ҳам белгилаб қўйилган.

Шунингдек, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек қадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жихозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш; глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўллаш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатлариiga ўтиш жараёнида давлат асосий ташаббускор тамойилига амал қилиб, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Агросанот мажмуасини ривожланишириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



1.1-расм. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби

Маълумки, иқтисодий адабиётларда бозорнинг амал қилиш механизмлари, унга давлатнинг аралашуви даражасига қараб уч турдаги бозор типи фарқланади. Буларга: ривожланмаган бозор; эркин бозор ва тартибга солиниб туриладиган бозорлар киради. Ривожланмаган бозор – бу бозорда олди-сотди жараёнлари кучли ривожланмаган, одатда оддий товар айрибошлиш жараёни юз беради. Бу бозорда товарларнинг натурал

айрибошланиши (бартер) кўпроқ амалга оширилади. Бу бозор тўйинмаган ҳисобланади.

Эркин бозор – бу рақобатли бозор ҳисобланади. Бу бозорда жуда қўплаб кичик ва катта товар ишлаб чиқарувчилар иштирок этади ва уларнинг бирортаси ушбу товар нархини ўзгартиришга сезиларли таъсир эта олмайди.

Товарлар эркин сотилади. Амалиётда бундай бозорлар кам учрайди. Тартибга солиб туриладиган бозор – бу бозорнинг фаолиятига ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар билан давлат аралашиб (тартибга солиб) туради.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Унинг мамлакат ҳаёти учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қиласдан катта самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қиласди. Агросанот мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихан мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси жуда қадим даврлардан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келади. Мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалигини юритишда жуда катта малакага эга. Табиий-иқлим шароитлари қишлоқ хўжалиги учун қулай минтақалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Энди мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳажми ва ўтган йилга нисбатан ўзгаришини таҳлил қиласиз.

Дастлабки маълумотларга қўра, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (кейинги ўринларда ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 407 514,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 5,1 % га ўсди. ЯИМ

дефлятори индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 128,1 % ни ташкил этди.

2018 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 12 365,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,3 % га ошди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир.

1.1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Млрд.сўм		2017 йилга нисбатан % хисобида	ЯИМ ўсишида тармоқ- ларнинг хиссаси, %
	2017 йил	2018 йил		
Ялпи ички маҳсулот	302 536,8	407 514,5	105,1	5,1
шу жумладан:				
Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати	267 744,8	361 951,1	105,1	4,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	90 983,9	117 315,8	100,3	0,1
саноат	59 570,4	95 083,9	110,6	2,1
курилиш	15 228,6	20 734,4	109,9	0,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	21 540,6	26 493,0	104,4	0,3
ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа	25 305,5	29 868,3	106,3	0,5
бошқа хизмат тармоқлари	55 115,8	72 455,7	105,4	1,0
Маҳсулотларга соғ солиқлар	34 792,0	45 563,4	105,5	0,6
Агросаноат мажмуаси бўйича	230975,6	314723,7	136,2	77,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2018 йил

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди ва бу соҳа ўтган йилга нисбатан 5,4 % га ошиди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4,4 % га (ЯИМ таркибидаги улуши – 0,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,3 % га (0,5 %) ва бошқа хизматлар – 5,4 % га (1,0 %) ўсади. Мамлакат ЯИМда агросанаот мажмуасининг улуши 2018 йилда 77,2 фоизга тенг бўлган.

Қашқадарё вилояти бўйича 2018 йилда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 28412,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизга тенг бўлди.

2018 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 8932,1 минг сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан -0,1 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакиллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 7,0 % ни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғининг ўсиш суръати 105,2 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши (4,8 фоиз), саноат 103,0 фоиз (27,1 фоиз), қурилиш 103,5 фоиз (5,8 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 102,9 фоиз (5,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 96,9 фоиз (42,2 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 104,9 фоиз (14,3 фоиз) ни ташкил қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятнинг ЯҲМида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг улуши 42,2 фоизни ташкил этмоқда.

2018 йилда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 24,9 фоизни ташкил қилиб, бу эса 2017 йилга нисбатан 1,1 пунктга камдир (26,0 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,7 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 4,8 фоизни ташкил қилди.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сураъти – 103,0 % (ЯҲМ таркибидаги

улуши – 27,1 %), Курилиш – 103,5 % (5,8 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 % (5,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,2 % (4,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,9 % (14,3 %) ни ташкил этди.

Демак, ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда ҳудуднинг табиий иқлим шароитин ва меҳнат тақсимотини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳудудий агросаноат мажмуасининг ҳам ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ривожлантириш мханизмларини ишлаб чиқиши зарурдир.

АСМнинг самарали фаолиятини маълум даражада иқтисодий муносабатлар тизими белгилаб беради. Иқтисодий муносабатлар – бу ишлаб чиқариш жараёнида корхоналарнинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқарувчи муносабатлар шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 12 апрелдаги қарорига мувофиқ, 2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилди. Ушбу қарорга асосан “Ўзбекозик-овқатхолдинг” компанияси таркибиға кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналарини хом-ашё билан барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини қиши-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида заҳирага ғамлаш, ташқи бозорларда харидоргир бўлган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш вазифалари юклатилди. Ушбу вазифалар билан “Ўзбекозик-овқатхолдинг”, “Ўзбекозик-овқатзахира” уюшмаси ва “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган савдо компанияси шуғулланади.

1.2. Агросаноат интеграциясининг назарий ва услугий асослари

“Агросаноат интеграцияси” терминининг иқтисодий мазмунини очиб беришдан олдин агросаноат мажмуасининг таркибий тузилмаси ва унга кирувчи тармоқлар хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Таъкидлаб ўтиш жоизки, АСМ таркиби жуда кенг қамровли ва мураккаб тузилма бўлиб, кўплаб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳамда тармоқларни ўз ичига олади. Аммо, фан-техника ва технологиялар тараққиёти таъсири остида АСМ таркибидаги олдин мавжуд бўлмаган бутунлай янги типдаги тармоқлар ва соҳалар вужудга келиши ва ривожланиши, айримлари эса соҳани тарк этиши ҳам мумкин.

Илмий адабиётларда агросаноат мажмуасининг тарибий тузулмасига кирувчи тармоқлар хусусида ягона ёндошув мавжуд эмас. Хусусан, россиялик олим Е.В. Серова АСМга кирувчи тармоқларни 3 та соҳага ажратади:

1. АСМнинг қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи 1-соҳаси (қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларига боғлиқлиги тобора кучайиб боришини инобатга олиб ғарб адабиётида “ўсуви тармоқ” деган ном олган). Бу соҳа ўз ичига қишлоқ хўжалиги учун машина-ускуналар, ўғитлар, кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари, ветеринария дори-дармонлари, омиҳта ем ва бошқа воситалар ишлаб чиқарувчи тармоқларни олади.

2. АСМнинг 2-соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг ўзи. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида дехқончилик ва чорвачилик каби иккита йирик тармоқка бўлинади.

3. АСМнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан якуний истеъмолчиларга етказиб бериш билан шугулланувчи тармоқларни ўз ичига олган 3-соҳаси (ғарб адабиётида “камаювчи тармоқ” деган ном олган). Унга қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини тайёрлаш, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдо тузилмалари орқали истеъмолчиларга сотиш билан шуғулланувчи тармоқлар киради⁶.

А.В.Турьянский ва В.Л.Аничинлар АСМни қуйидаги 3 та соҳага ажратишиган: 1) қишлоқ хўжалиигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (1-соҳа); 2) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (2-соҳа); 3) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар (3-соҳа)⁷.

В.А.Кундиус ўз китобида М.Л.Лезин, В.А.Тихонов ва Ю.В.Седыхларнинг АСМни худди юқорида келтирилганидек 3 та соҳага ажратишиганини келтирган ҳолда, ҳозирги иқтисодий шароитларда АСМ ўз ичига қуйидаги 4 та соҳани қамраб олади деган фикрини илгари суради⁸:

-биринчи соҳа- қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари мажмуаси билан таъминловчи корхоналар, шу жумладан агросервис корхоналари;

-иккинчи соҳа- қишлоқ хўжалиги: барча улкчилик ва ташкилий-хукуқий шакллардаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, ихтисослашган уруғчилик ва наслчилик хўжаликлари, тажриба станциялари, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва бошқалар;

-учинчи соҳа- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш: улгуржи озиқ-овқат бозорлари, биржалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланувчи тайёрлов корхоналари, қишлоқ хўжалиги хомашёсини бирламчи қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, чакана савдо фирмалари ва умумий овқатланиш хоналари;

-тўртинчи соҳа-илмий-ўқув мажмуалари: аграр коллежлар ва университетлар, илмий-тадқиқот ва консалтинг марказлари, ўқув-ахборот ва қайта тайёрлов марказлари, ахборот ва мониторинг хизматлари ва бошқалар.

⁶ Е.В.Серова. Аграрная экономика. Учебник. -М.: ГУ ВШЭ, 1999. -146-147 с.

⁷ А.В.Турьянский, В.Л.Аничин. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. -белгород: Издательство БелГСХА, 2010. -80 с.

⁸ В.А.Кандус. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие. -М.:КНОРУС, 2010. 99-100 с.

Олимнинг фикрича, АСМнинг таркибини бу йўналишда туркумлаш такрор ишлаб чиқариш ёндошувини акс эттиради ва тизимлилик тамойилига асосланади.

Мамлакатимиз олимларидан А.Абдуғаниев ўз ишларида АСМни қуидаги 4 та бўғинга бўлади⁹.

1. Агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар.
2. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари.
3. Қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар.
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар.

Р.Ҳакимов эса ўз ишларида агросаноат мажмуасини қуидаги 4 та соҳага ажратади:

Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи.

Учинчи соҳа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндиси.

Тўртинчи соҳа. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси¹⁰.

АСМ таркибига кирувчи соҳалар борасида юқорида келтирилган фикрларда уларни турлича талқин этиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, А.В.Туръянский, В.Л.Аничин ва В.А.Кундиуслар қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва уларга сервис хизматлари кўрсатувчи (инфратузилмалар) соҳаларни АСМнинг битта соҳасига киритсалар, А.Абдуғаниев ва Р.Ҳакимовлар уларни АСМнинг алоҳида иккита соҳасига ажратишган. В.А.Кундиус илмий-ўқув муассасалари (аграп

⁹ А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Адиб нашриёти” МЧЖ.2011. 26-31 б.

¹⁰ Р.Ҳакимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. -Т ТДИУ, 2009. 19 б.

колледжлар ва университетлар, ўқув-ахборот ва қайта тайёрлов марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари) ва консалтинг, ахборот ва мониторинг хизматларини АСМнинг алоҳида соҳаси сифатида қараган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва унга хизмат қўрсатувчи агросаноат мажмуаси соҳалари ўртасида хўжалик алоқаларининг тобора ривожланиб ва мутаҳкамланиб бориши таъсирида тармоқлараро интеграциялашув жараёнлари кучайиб бормокда. Бу жараёнларнинг вужудга келиш зарурияти, аҳамияти, ривожланиш шарт-шароитлари ва омиллари ҳамда ташкилий шакллари ва турларини тадқиқ этишдан олдин “агросаноат интеграцияси” тушунчасининг моҳиятини талқин этиш лозим бўлади. Илмий адабиётларни ўрганиш шуни қўрсатадики, “агросаноат интеграцияси” тушунчасини талқин этишда турли ёндошувлар ва фикрлар учрайди.

А.В.Ткач “агросаноат интеграцияси” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “агросаноат интеграцияси – бу ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг ягона хўжалик организмига онгли равишда ва тартибга солинадиган бирлашувини англатувчи ташкилий-иктисодий тушунчалар”¹¹.

В.А.Кундиус “агросаноат интеграцияси” тушунчасини тармоқлараро верикал кооперация шакли, технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган аграр, саноат корхоналари ва инфратузилмаларнинг аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш мақсадида ягона агросаноат иқтисодий тизимига ташкилийиқтисодий жиҳатдан бирлашуви сифатида талқин этади¹².

А.В.Турьяеский ва В.Л. Аничинларнинг фикрича, “агросаноат интеграцияси” - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва қишлоқ хўжалигига хизмат қўрсатиш жараёнларини ташкилий-технологик жиҳатдан ягона

¹¹ А.В.Ткач. Сельскохозяйственная кооперация. Учебное пособие. -М.: Дашков и К, 2006. -135-136 с.

¹² А.В.Кандиус. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие. -М. КНОРУС, 2010. -77 с.

тизимга бирлаштиришга қаратилған иқтисодий ўзаро ҳамкорлик үрнатишидір¹³.

Р.Хакимовнинг таъриф беришича: “Агросаноат интеграцияси” – саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир-бирига сингиб кетиши, бир бутун тизимга айланишидір¹⁴”.

Бизнинг фикримизча “агросаноат интеграцияси” – бу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида аграр соҳани ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиши тармоқларининг ягона ташкилий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимга бирлашуви ҳамда ўзаро боғланган ва манфаатли хўжалик алоқаларини үрнатиши жараёнидир. Бу жараёнда ягона занжирли тизимга бирлашган технологик жараённинг маълум бир қисмини ихтисослашган тармоқлар ёки корхоналар амалга оширади ва кейинги технологик босқичга тайёрлаб беради.

Мутахассисларнинг фикрича: “Агросаноат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланишининг натижасидир. Тармоқларнинг бир-биридан ажралиб кетиши уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини айирбошлишни кучайишини талаб қиласи. Бир тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб асосан бошқа тармоқда вужудга келади. Натижада бир тармоқ икинчисиз мўътадил ривожлана олмайди. Бу уларни интеграциялашуви заруриятини келтириб чиқаради”¹⁵.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш кучларининг тинимсиз ривожланиши, фан-техника ва технологияларнинг юксак тараққиёти ҳамда халқаро глобаллашув жараёнлари таъсирида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида интеграцион алоқалар чуқурлашиб бормоқда, бундай

¹³ А.В.Турьяеский, В.Л. Аничин. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. – Белгород. Издательство БелГСХА, 2010. -125 с.


¹⁴ Р.Хакимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2009. -19 б.

¹⁵ Р.Хакимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2009. -19 б.

алоқалар, айниқса, ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан ягона занжирига боғланган ва бир-бирини тўлдириб борувчи тармоқларда кучли намоён бўлмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб уни сақлаш, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ўз ичига олган АСМда бундай интеграцион боғлиқлик бошқа соҳаларга нисбатан ёрқин намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, агросаноат интеграциясининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар кўп қиррали ва кенг қамровли бўлиб, уларни табиий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий -хуқуқий, ташкилий -техник ва технологик характердаги омилларга ажратиш мумкин (1 -расм).

1. Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий хусусиятлари, унинг мавсумийлиги билан боғлиқ ҳолда ривожланади.



1.2-чизма. Агросаноат мажмуасининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар туркуми

2. Ижтимоий омиллар инсонларнинг ижтимоий дунёқараси ва психологияси соҳасида амал қиласи. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характеристи инсоният эволюцион тараққиётининг муҳим натижаларидан бири сиқатида юзага қичади. Шунинг учун интеграцияни ижтимоий ишлаб

чиқариш муносабатлари эволюциясининг кейинги тараққиёт босқичи сифатида қараш мумкин.

3. Иқтисодий омиллар интеграциялашувчи субъектлар иқтисодий манфаатлари ва уларни қондириш усуллар соҳасида шаклланади. Иқтисодий манфаатларни максимал қондириш даражасига кучайиб бораётган рақобат муҳити ва ресурсларнинг чекланганлиги таъсир кўрсатади. Интеграция бу тўсикларни маълум даражага енгиб ўтишга имкон яратади.

4. Агросаноат интеграцияси ривожланишининг ташкилий-хуқуқий омилларига мажмуа таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва улар бирлашмаларининг ташкилий-хуқуқий шакллари ҳамда улар фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-хуқуқий характердаги қонцнчилик базаси ташкил этади. Амалдаги қонунчилик билан мулкчилик шакли ва хуқуқий мақомидан келиб чиқиб, агросаноат мадмуаси таркибига кирувчи корхоналар ва улар бирлашмаларининг турли шакллари фаолият кўрсатади. Хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, хусусий корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятлари, ассоциациялар, уюшмалар, холдинглар ва бошқа интеграцион тузилмалар буларга мисол бўлади.

5. Ташкилий – техник омиллар аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг тобора индустрисал тус олиши, механизациялашув ва автоматлаштириш даражасининг ортиб бориши туфайли саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида мустаҳкам интеграцион алоқалар ривожланиб бориши билан изоҳланади.

6. Технологик омиллар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш соҳасида шаклланади. Бу соҳада интеграциялашувга талаб қуйидаги омиллар натижасида юзага келади:

➤ Моддий ресурслар таъминоти, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш соҳасидаги технологик босқичларнинг ташкилий бирлигини таъминлаш;

- Комплекс технологик жараёнларни ягона мақсад ва тизимлилик тамойилларидан келиб чиқиб амалга ошириш;
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг тарқоқлиги шароитида вужудга келадиган хомашё ва тайёр маҳсулот йўқотишлари олдини олиш;
- Якуний истеъмолчилар талабларни максимал қондиришга йўналтирилган замонавий бошқарув технологияларини қўллаш.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқариш интеграциясининг асосий мақсади ўз аъзоларининг моддий ва бошқа манфаатларини қондиришдан иборатлигича қолмоқда. Маълумки, қишлоқ жойларида қайта ишловчи, сотиш, хизмат кўрсатувчи, таъминот, боғдорчилик, томорқа, чорвачилик ва бошқа корхоналарни ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар яратилган. Бунда қайта ишловчи корхоналар жумласига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш (гўшт, сут маҳсулотлари, нон, қандолатчилик маҳсулотлари, сабзавот-мева маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш) билан шуғулланувчи корхоналар киради.

Агросаноат интеграцияси корхоналарига маҳсулотни сотиш, шунингдек уни сақлаш, навларга ажратиш, қуритиш, ювиш, қадоқлаш, идишларга жойлаш, ташиш ишларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар киради. Мазкур корхоналар битимлар тузади, сотиш бозорларини ўрганиб чиқади, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти рекламасини ташкил қиласди ва х.к.

Интеграциялашган ташкилотлар турли тамойиллар асосида тузилади. Бундан интеграция ва кооперацияни бир-бирига муқобил вариант сифатида кўриб чиқиш лозимлиги келиб чиқмайди. Ушбу ҳолатлар кўп жиҳатдан бир-бирига зид, лекин улар ҳар доим ўзаро ҳамкорликда ривожланади, кооперациялашган тузилмалар, одатда, биринчи навбатда, ўз иштирокчиларининг манфаатларига, интеграциялашган тузилмалар эса сармоянинг асосий эгалари, шахсларнинг кичик гурӯҳи манфаатларига хизмат кўрсатади. Интеграциялашган тузилмалар сарфланган маблағлардан

тезда самара олишга йўналтирилган фаолиятнинг тажаввузкор хусусияти билан ажralиб туради. Улар биринчи галда товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ташаббуси учун энг катта имкониятлар мавжуд бўлган жойларда юзага келади ва ривожланади. Шу билан бирга интеграция хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро ҳамкорлигининг анча юқори поғонасини ўзида намоён этувчи база ҳисобланади.

Агросаноат интеграциясига кирувчи барча тармоқларнинг энг асосий вазифаси – пировард маҳсулотга кетган жами харажат сарфини пасыйтиришдан иборатdir. Қишлоқ хўжалигида пировард маҳсулот эса, тармоқдан ташқари бевосита истеъмолчига ёки саноатга қайта ишлаш учун сотиладиган маҳсулотdir.

Маҳсулотнинг тармоқ ичидағи айланиши пировард натижада ифодаланмайди, балки оралиқ маҳсулот сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг саноатда қайта ишланмасдан туриб ахоли истеъмолига тушадиган қисми (галла, сабзавот, картошка, гўшт ва бошқа) агросаноат мажмуи пировард маҳсулотига қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги, енг аввало, қайта ишловчи саноат учун хом-ашё материали ишлаб чиқаришга асосланиб, фаолиятининг иқтисодий натижалари тармоқлараро баланс шартлари билан аниқланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси агросаноат интеграциясининг оралиқ маҳсулоти бўлиб ҳисобланади.

Агросаноат интеграциясининг пировард маҳсулоти маълум бир вақт давомида яратилган ва кўрсатилган хизматларнинг истеъмолга тушадиган жами маҳсулотлар тўпламидир. Натура шаклида пировард маҳсулот куйидагилардан ташкил топади:

- Бевосита ахолига тушадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;
- Қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан тайёрланадиган истеъмол буюмлари;

➤ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уни қайта ишлайдиган тармоқлар;

➤ Агросаноат мажмуаси биринчи соҳаси тармоқлари маҳсулотлари.

Агросаноат мажмуиаси пировард маҳсулотининг таркибий тузилиши алоҳида тармоқлар маҳсулоти қийматини жами ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига бўлиш орқали фоизларда аниқланади. Пировард маҳсулот қиймати таркибининг ўзгариши агросаноат мажмуасидаги аниқ тармоқлар маҳсулотлари, товар ва хизматларнинг ошиши ёки пасайишига боғлиқ бўлади.

Пировард маҳсулот (ПМ) ялпи маҳсулот (ЯМ) (товар ва хизмалар) ҳажми билан аниқ тармоқда бевосита истеъмол (И) учун фойдаланилган унинг маълум бир қисми ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

ПМ = ЯМ - И

Агросаноат мажмуасининг пировард маҳсулотининг қиймати (ПМК) – қишлоқ хўжалигига яратилган соф маҳсулот қийматидан ($CMK_{k/x}$), озиқ-овқат, енгил саноат тармоқлари соф маҳсулоти қийматининг ($CMK_{o/o.eng}$) бир қисмидан, шунингдек, транспорт, алоқа ва муомала соҳалари соф маҳсулоти қийматининг ($CMK_{t.a.m}$) бир қисмидан ташкил топади:

$$PMK = CMK_{k/x} + CMK_{o/o.eng} + CMK_{t.a.m}$$

Агросаноат мажмуасининг самарали фаолият кўрсатиши учун тармоқлар моддий-техника базасининг меъёрда бўлишигина эмас, балки шу мажмуага кирувчи барча соҳаларнинг пропорционал ривожланиши катта аҳамиятга эга. Агросаноат мажмуасидаги барча фаолиятларнинг натижаси қишлоқ хўжалиги билан мажмуанинг бошқа тармоқ ва ишлаб чиқаришлари ўртасидаги мувофиқлик ва ривожланиш билан аниқланади.

Агросаноат мажмуаси самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан олинадиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари миқдори ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат аҳолисини ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш маҳсулоти ҳисобланган, яъни енгил ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари билан таъминлаш даражасидир.

Агросаноат мажсуаси самарадорлигини характерлаш учун ўртacha бир ходимга тўғри келган пировард маҳсулот қиймати, бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати ва бир сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган пировард маҳсулот қиймати кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\mathbf{M}\mathbf{Y}_{\text{асм}} = \frac{\text{ПМ}}{\text{ХС}} ; \quad \mathbf{C}_{\text{асм}} = \frac{\text{ПМ}}{\text{ИЧХ}}; \quad \mathbf{\Phi}\mathbf{K} = \frac{\text{ПМ}}{\text{АИФ}};$$

Бу ерда:

МУ_{асм} – меҳнат унумдорлиги, сўм;

C_{асм} – самарадорлик, сўм;

ФК – фонд қайтими, сўм;

ПМ – провард маҳсулот, минг сўм;

ХС – ўртacha йиллик ходимлар сони, киши;

ИЧХ – ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм;

АИФ – асосий ишлаб чиқариш фондлари, минг сўм.

Агросаноат мажмуаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида оралиқ ва пировард натижа ўртасида узулишга йўл қўйилмаслиги лозим. Бунинг учун агросаноат мажмуасининг барча тармоқлари ва ишлаб чиқаришларини пропорционал ва мувофиқ ҳолатда ривожлантиришни таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, пировард маҳсулотни олишда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилашдан иборатdir.

Агросаноат мажмуасининг самарали ривожланиши ҳар бир соҳа, тармоқ ва ишлаб чиқариш ходимларига меъёрий шартларни таъминлаш учун зарурий шарт-шароитларни яратади. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланишлани камайтириш, ходимлар касалланишини қисқартириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш билан характерланади.

Агросаноат мажмуасига кирувчи корхона ва ташкилотларда ижтимоий-маданий объектларни қуриш, ишлаш ва дам олишга ижтимоий шароитни яхшилаш, кадрларни такрор ишлаб чиқариш учун имконият яратилади.

1-боб бўйича хulosса

Ушбу боб бўйича хulosса қиласиган бўлсак, агросаноат мажмуаси - бу ишлаб чиқаришнинг бир бутун занжирили технологик кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигига асосланган. Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқариш интеграциясининг асосий мақсади ўз аъзоларининг моддий ва бошқа манфаатларини қондиришдан иборатлигича қолмоқда. Маълумки, қишлоқ жойларида қайта ишловчи, сотиш, хизмат кўрсатувчи, таъминот, боғдорчилик, томорқа, чорвачилик ва бошқа корхоналарни ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар яратилган. Бунда қайта ишловчи корхоналар жумласига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш (гўшт, сут маҳсулотлари, нон, қандолатчилик маҳсулотлари, сабзавот-мева маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан яrim тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш) билан шуғулланувчи корхоналар киради.

Агросаноат интеграцияси корхоналарига маҳсулотни сотиш, шунингдек уни сақлаш, навларга ажратиш, қуритиш, ювиш, қадоқлаш, идишларга жойлаш, ташиш ишларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар киради. Мазкур корхоналар битимлар тузади, сотиш бозорларини ўрганиб чиқади, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти рекламасини ташкил қиласиди ва х.к.

Мутахассисларнинг фикрича: “Агросаноат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланишининг натижасидир. Тармоқларнинг бир-биридан ажralиб кетиши уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини айирбошлишни кучайишини талаб қиласиди. Бир тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб асосан бошқа тармоқда вужудга келади. Натижада бир тармоқ икинчисиз мўътадил ривожлана олмайди. Бу уларни интеграциялашуви заруриятини келтириб чиқаради.

Бизнинг фикримизча “агросаноат интеграцияси” – бу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида аграр соҳани ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ягона ташкилий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимга бирлашуви ҳамда ўзаро боғланган ва манфаатли хўжалик алоқаларини ўрнатиш жараёнидир. Бу жараёнда ягона занжирли тизимга бирлашган технологик жараённинг маълум бир қисмини ихтисослашган тармоқлар ёки корхоналар амалга оширади ва кейинги технологик босқичга тайёрлаб беради

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, агросаноат интеграциясининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар кўп қиррали ва кенг қамровли бўлиб, уларни табиий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий -хуқуқий, ташкилий - техник ва технологик характеристдаги омилларга ажратиш мумкин:

- 1. Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий хусусиятлари,** унинг мавсумийлиги билан боғлиқ ҳолда ривожланади.
- 2. Ижтимоий омиллар** инсонларнинг ижтимоий дунёқараси ва психологияси соҳасида амал қиласи. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характеристи инсоният эволюцион тараққиётининг муҳим натижаларидан бири сиқатида юзага қичади. Шунинг учун интеграцияни ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари эволюциясининг кейинги тараққиёт босқичи сифатида қараш мумкин.
- 3. Иқтисодий омиллар** интеграциялашувчи субъектлар иқтисодий манфаатлари ва уларни қондириш усуллар соҳасида шаклланади. Иқтисодий манфаатларни максимал қондириш даражасига кучайиб бораётган рақобат муҳити ва ресурсларнинг чекланганлиги таъсир кўрсатади. Интеграция бу тўсиқларни маълум даражага енгиб ўтишга имкон яратади.

4. Агросаноат интеграцияси ривожланишининг ташкилий-хуқуқий омилларига мажмуа таркибига киравчи хўжалик юритувчи субъектлар ва улар бирлашмаларининг ташкилий-хуқуқий шакллари ҳамда улар фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-хуқуқий характердаги қонцнчилик базаси ташкил этади. Амалдаги қонунчилик билан мулкчилик шакли ва хуқуқий мақомидан келиб чиқиб, агросаноат мадмуаси таркибига киравчи корхоналар ва улар бирлашмаларининг турли шакллари фаолият кўрсатади. Хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, хусусий корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятлари, ассоциациялар, уюшмалар, холдинглар ва бошқа интеграцион тузилмалар буларга мисол бўлади.

5. Ташкилий – техник омиллар аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг тобора индустрисал тус олиши, механизациялашув ва автоматлаштириш даражасининг ортиб бориши туфайли саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида мустаҳкам интеграцион алоқалар ривожланиб бориши билан изоҳланади.

6. Технологик омиллар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш соҳасида шаклланади. Бу соҳада интеграциялашувга талаб қўйидаги омиллар натижасида юзага келади:

- Моддий ресурслар таъминоти, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш соҳасидаги технологик босқичларнинг ташкилий бирлигини таъминлаш;
- Комплекс технологик жараёнларни ягона мақсад ва тизимлилик тамойилларидан келиб чиқиб амалга ошириш;
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг тарқоқлиги шароитида вужудга келадиган хомашё ва тайёр маҳсулот йўқотишлари олдини олиш;
- Якуний истеъмолчилар талабларни максимал қондиришга йўналтирилган замонавий бошқарув технологияларини қўллаш.

2-боб. Вилоят агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

2.1. “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ижтимоий-иктисодий тавсифи ва худуд агросаноат интеграциясини ривожлантиришдаги ҳолати таҳлили

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти Қарши шаҳри Шайхали кўрғони ҳудудида 1973 йилда қуриб фойдаланишга топширилган. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 1994 йил 12 октябрдаги 588-сонли буйруғига асосан давлат корхонаси - Қарши дон маҳсулотлари корхонасини хусусийлаштириш йўли билан ташкил килинган ва жамият акциядорларининг 2003 йил 10 январда ўтказилган умумий йиғилиш карорига биноан ”Дунё-М” очик акциядорлик жамияти деб юритилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти деб аталади. Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти қисқартирилган ҳолатда, давлат тилида: Қарши “ДУНЁ-М” АЖ рус тилида: АО “ДУНЁ-М” деб юритилади.

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қуввати қуидагича:

❖ Суткасига лойиҳа қуввати 500 тонна буғдойни қайта ишлайдиган 1988 йилда Швейцариянинг Бюллер фирмаси лецензияси асосида қайта реконструкция қилинган тегирмон цехи ва шу тегирмон цехида 240 тонна унни қопсиз сақлаш омбори ҳамда цех билан ёнма-ён жойлашган 8140 тонна қопланган унни сақлаш сиғимиға эга бўлган тайёр маҳсулотлар омбори бор;

❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 19 февралдаги ‘Республикада омиҳта ем саноатини ривожлантириш учун қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида’ги 38-сонли қарорига асосан Голландиядан келтирилган замонавий омиҳта ем ишлаб чиқариш ускуналари

билин 2007 йил ноябрь ва 2008 йил март ойлари давомида қайта реконструкция қилинган суткасига лойиҳа қуввати 305 тонна омихта ем ишлаб чиқариш қувватига эга омихта ем цехи мавжуд;

❖ Ушбу омихта ем цехида 10 000 тонна хом-ашё, 960 тонна кепак ҳамда 2400 тонна омихта-ем сақлаш учун мўлжалланган сақлаш сифимиға эга бўлган омборхона мавжуд;

❖ 1973 йилда қуриб ишга туширилган умумий буғдой сақлаш сифим ҳажми 90 000 тоннага тенг бўлган 5 корпусдан иборат элеватор 1 цехи бор;

❖ 1974 йилда қуриб ишга туширилган умумий буғдой сақлаш сифим ҳажми 48 000 тоннага тенг бўлган 3 корпусдан иборат элеватор 2 та цехи бор;

❖ “Ўздонмаҳсолот” АКнинг 2005 йилги манзилли қурилишлар дастурига асосан Хитой технологияси бўйича корхонада 2005 йилда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5 000 000 дона полипропилен қоп ишлаб чиқарадиган халта цехи қуриб ишга туширилди.

Қарши “ДУНЁ-М” АЖ да 2 та макарон ишлаб чиқариш цехлари мавжуд бўлиб, Украина давлатидан келтирилган янги замонавий АВМ русумли макарон ишлаб чиқариш линияси ускуналари қуриткичлари билан комплект қилиб жиҳозланган. Ҳозирги кунда макарон цехларимиздан аҳоли эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиқиб қадоқланган ҳолда турли хилдаги макарон маҳсолотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жамият қуидаги турдаги акцияларни чиқарган ва жойлаштирган:


❖ **5 623 432** (беш миллион олти юз йигирма уч минг тўрт юз ўттиз икки) дона, ҳар бирининг номинал қиймати 2000 сўмга тенг 11246864000 сўм миқдордаги оддий, эгасининг номи ёзилган акциялар;

❖ **9 704** (тўққиз минг етти юз тўрт) дона, ҳар бирининг номинал қиймати 2000 сўмга тенг 19408000 сўм миқдордаги имтиёзли, эгасининг номи ёзилган акциялар.

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ташкилий структураси тўғрисида танишадиган бўлсак, корхонанинг ташкилий ҳуқуқий шакли

Қарши “ДҮНЁ-М” очиқ турдаги акциядорлик жамияти бўлиб, дастлаб “Қарши дон маҳсулотлари комбинати” деб юритилган, корхона қурилиши 1969 йил бошланиб, 1973 йил қуриб ишга туширилган.

Қарши “ДҮНЁ-М” очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бошқарув структураси қуйидаги 1.3-чизмада акс этирилган бўлиб, бунда акционерлик жамияти иккита йирик бўлимдан, яъни “сотиш ва молия бўлими”дан ва “ишлаб чиқариш” бўлимларидан ташкил топади.



Қарши дон маҳсулотлари комбинати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни асосида Қашқадарё вилоят Давлат Мулки бошқармасининг 1994 йил 12 октябрдаги №588 буйруғи ва меҳнат жамоаси мажлис қарори билан “ДУНЁ-М” очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган.

“ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг фаолият турлари қуидагича:

- ❖ Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини ун, ёрма, нон, макарон маҳсулотлари, печени, уруғлик дон, омихта ем билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш;
- ❖ дон ва дон маҳсулотлари сақланишини таъминлаш;
- ❖ дон, навли ва дуккакли дон уруғлари, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, уларнинг давлат эҳтиёjlари ва бошқа истеъмолчиларни буюртмалари учун етказиб беришни таъминлаш;
- ❖ савдо харид ишлари, шу жумладан чакана, улгуржи ва тижорат савдоси;
- ❖ озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг халқ истеъмоли моллари билан савдо сотиқ қилиш;
- ❖ юқоридаги бандда кўрсатилган фаолиятга тааллуқли чакана, улгуржи ва тижорат дўконлари очиш;
- ❖ ўзига қарашли обьектларни кўриқлаш;
- ❖ қишлоқ хўжалигига тааллуқли чорвачилик ва ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, харид қилиш, сақлаш ва сотиш;
- ❖ биржа ва ярмаркаларда хом-ашё, полуфабрикатлар, машина ва механизmlар, бошқа турдаги маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш, алмаштириш;

- ❖ ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқарувчи цехларини технологиясини жадаллаштириш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш бўйича ишларни ташкил қилиш;
- ❖ ички ва ташқи бозор конъюктурасини ўрганиш, ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- ❖ узоқ муддатли ва қиска муддатли маркетинг дастурини ишлаб чиқиш, буюртмалар “папкасини” шакллантириш ва уларни жойлаштириш, маҳсулотларни реклама қилиш;
- ❖ ишлаб чиқаришни барча чоралари билан интенсивлаштириш ва моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини ошириш, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ❖ ходимлар учун хавфсиз ва нормал меҳнат шароитини яратиш, ижтимоий - маданий имтиёзлар бериш.

Корхона ишлаб чиқариши асосини ташкил этувчи ун маҳсулотлари Қашқадарё вилояти аҳолиси учун ишлаб чиқарилади. Вилоятимизда ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бир нечта корхоналар мавжуд.

Ушбу корхоналар билан бозорда фақат сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали рақобат қилинади. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда таклифга қараб хукумат топшириғи асосида ун маҳсулотлари республикадан ташқарига ҳам шартнома асосида сотилади.

Тадқиқот обьекти бўлган Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида кейинги йилларда ғаллани қайта ишлаш орқали аҳолини ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондириш масаласи ётар экан, энди ушбу корхонада қанча маҳсулот қайта ишланаётганлигини таҳлил қилишимиз мумкин ва қуйидаги жадвалда акс эттирамиз. (1.1-жадвал).

Қуйидаги 1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йилда ун ишлаб чиқариш 59300 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19767 тоннага ёки 22,2 %га кам ишлаб чиқарилган. Сабаби 2018 йилда тегирмон цехининг 1 секцияси тўлиқ реконструкция қилинди.

1.1-жадвал

“ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлили

T/с	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисбатан ўзг. % хис.
1	Ун ишлаб чиқариш жами	тонна	76249	79067	59300	77,8
	Шундан: 1-навли ун	тонна	76249	79067	59300	77,8
2	Уруғлик дон	тонна	16255	15897	11410	70,2
4	Аралаш озуқа ишлаб чиқариш	тонна	38756	47036	32234	83,2
5	Нон маҳсулотлари	тонна	720	1103	910	126,4
6	Макарон маҳсулотлари	тонна	2011	2629	2370	117,8
7	Перловка	тонна	92	82	0	0
8	Маҳсулот ҳажми амалдаги нархда	млн. сўм	118108,9	131859,6	122231,3	103,5
9	Маҳсулот ҳажми солиштирма нархда	млн. сўм	118312,7	126633,3	104123,0	88,0
10	Истеъмол моллари	млн. сўм	77450,8	91274,2	75266,0	97,2
11	Асосий фаолиятда банд кишилар	киши	795	800	805	101,2
12	Мехнат унумдорлиги	минг сўм	148821,0	158291,6	129345,3	86,9
13	Соф фойда	минг сўм	5386049	9375790	9500000	176,4
14	1 сўмлик маҳсулот учун харажат	сўм	0,94	0,99	0,95	101,1
15	Рентабеллик даражаси	%	5,6	7,0	8,2	146,4

Манба: Қарши “Дунё-М” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Туркияning “Макинас Энержджи” компаниясининг илфор технологияси билан тўлиқ жиҳозланди. Натижада суткасига 250 тонна ишлаб чиқариш ўрнига 300 тоннали тегирмон қурилиб жами бир суткада 550 тонна буғдойни қайта ишлаш имкониятига эга бўлинди. Аралаш озуқа ишлаб чиқариш 2018 йилда 32234 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 14802 тонна кам

ишлаб чиқарилган. Бунинг асосий сабаби тегирмон цехини 2018 йил 6-ой давомида реконструкцияга тўхтатилганидир.

Келгусида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш янада кўпайиши кутилмоқда.

Корхонанинг асосий мақсади ва миссияси аҳолини сифатли ун, аралаш озуқа, нон, макарон маҳсулотлари, печени ва қишлоқ хўжалик корхоналарини сифатли уруғлик ва дон билан таъминлашдан иборатdir. Рақобатчи корхоналар билан фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Макарон ва нон маҳсулотлари мавжуд талаблар асосида ишлаб чиқарилиб сотилади. Корхона маҳсулотлари асосан улгуржи савдо орқали сотилади. Маҳсулотлар истеъмолчилар томонидан ўз транспортларида олиб кетилади. Тайёр маҳсулот сақлаш учун етарли сифимдаги омборхоналар мавжуд.

Энди корхонада 2019 йилда қанча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кутиладиган режасини тақдим этамиз. Яъни корхона 2019 йилда 80000 тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқариб сотиш режалаштирилган. Ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари товар хом-ашё биржаси ва тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотилиши режалаштирилган.

Аралаш озуқа 2019 йилда 47000 тонна режалаштирилган. Аралаш озуқа товар хом-ашё биржалари орқали ва ўзаро тузилган шартномалар асосида сотилади. Макарон ва нон маҳсулотлари мавжуд талаблар асосида ишлаб чиқарилиб сотилади.

Корхона маҳсулотлари асосан улгуржи савдо орқали сотилади. Маҳсулотлар истеъмолчилар томонидан ўз транспортларида олиб кетилади. Тайёр маҳсулотни сақлаш учун етарли сифимдаги омборхоналар мавжуд.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 2019 йил 1 январдаги нархлари қўйидагича бўлиши кутилмоқда:

1 тонна маҳсулотнинг нархи

1. Биринчи навли ун	1333333,00 сўм
2. Кепак	575567,00 сўм
3. Арапаш озуқа ўртача	871044,40 сўм
4. Макарон 1-навли ундан	2155000,00 сўм
5. Нон ўртача	1157407,40 сўм
6. Уруғлик ўртача	2212508,41 сўм
7. Арпа ёрмаси	2466557,56 сўм

Энди корхонанинг 2019 йилда кутиладиган ишлаб чиқариш режасини чораклар бўйича тузиб чиқамиз ва қуйидаги 1.2-жадвалда акс эттирамиз.

1.2-жадвал

“Дунё-М” акциядорлик жамиятининг 2019 йилга кутиладиган ишлаб чиқариш режаси

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2019 йил режаси	Шундан чоракларда			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Ун ишлаб чиқариш жами	тонна	80000	20000	20000	20000	20000
	Шунда :1- навли ун	тонна	80000	20000	20000	20000	20000
2	Арапаш озуқа и/ч	тонна	47000	12000	12000	11000	12000
4	Макарон маҳсулотлари	тонна	2500	625	625	625	625
5	Нон маҳсулотлари	тонна	1000	250	250	250	250
6	Арпа ёрмаси	тонна	80	15	20	20	25
7	Маҳсулот хажми	млн. сўм	204482,6	42476,05	42488,4	50467,4	69050,8
8	Истеъмол моллари	млн. сўм	113359,5	28105,2	28117,5	28117,5	29019,4
9	Ишловчилар сони	киши	805	650	850	950	770
10	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	254015,7	65347,8	49986,3	53123,6	89676,4
11	1 сўмлик маҳс. и/ч учун кетган харажат	сўм	0,92	0,92	0,92	0,92	0,92

давоми							
12	Соф фойда	минг сўм	6500000	1500000	1500000	1600000	1900000
13	Иш куни	кун	305	77	75	77	76
14	Буғдой	тонна	106667	26667	26667	26667	26666
15	Кепак	тонна	25600	6400	6400	6400	6400
16	Уруғлик дон тайёрлаш	тонна	16000	0	0	4000	12000
17	Ўртача ойлик	сўм	1626970	1626970	1626970	1626970	1626970
18	Фонд қайтими	минг сўм	5710	5710	5710	5710	5710
19	Фонд билан куролланганлик	минг сўм	44481	44481	44481	44481	44481

Манба: Қарии “Дунё-М” акциядорлик жасамиятининг маълумотлари.

Корхона хом-ашёсини асосини ташкил этувчи буғдой темир йўл ва автомобиль транспорти орқали қабул қилинади. Буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва биринчи ишлов бериш элеватор цехида амалга оширилади. Элеваторни буғдой сақлаш сиғими йиллик 138000 тоннага teng. Элеватордан қабул қилинган дон тегирмоннинг дон тозалаш бўлимига қора бункерларга олинади.

Донни тайёрлаш учун аввал унинг таркибидаги ифлос ва дон аралашмалари сепаратор ва ҳаво сепараторида ажратиб олинади. Доннинг таркибидаги минерал аралашмалар тош ажратувчи машиналарда ажратиб олинади.

Доннинг таркибидаги ёввойи сўли, арпа, бегона дон уруғлари трийер машиналари орқали ажратилади. Доннинг юза қисми курук усулда обойка машиналарида тозаланади. Дон ифлос аралашмалардан тозалангандан сўнг донга гидротермик ишлов берилади, яъни намлаш машиналарида намланади ва ювиш машиналарида ювилади.

Намланган ва ювилган дон оқ бункерларда камида 24 соат тиндирилади. Бу жараён икки босқичда амалга оширилади. Намлаб-ювилган доннинг юза қисми яна бир марта обойка машиналарида тозаланади. Донни майдалаш жараёни-донни майдалаш, майдалangan донни элаш, бойитиш, ҳар-хил

навларга ажратиш, кепакни қоқиши жараёнларига бўлинади. Дон – валли станокларда майдаланади.

Майдалангандон элакларда эланиб, ун, йирик ва майда фракцияларга ажралади. Бойитиш жараёнида унинг сифатини ошириш мақсадида оралиқ маҳсулотлардаги йирик ва майда фракциялардаги кепаклар ажратиб олинади.

Йирик ва майда фракциялар станокларда қайтадан майдаланиб элакларда эланади ва ун ҳосил бўлади. Кепак таркибида элаш вақтида қолган унлар кепакни қоқувчи машиналарда ажратиб олинади.

Тайёр маҳсулот сифати бўйича белгилангандан талабларга жавоб берадиган навларга қараб, алоҳида тизимларда шакллантирилади. Тайёр маҳсулотлар навма – нав алоҳида бункерларга жойланади.

Ун икки хил усулда сақланади. Бункерларда ва қопларда қадоқланган ҳолда. Бункерлардаги ун қадоқлаш линиясида маҳсус машина ва қурилмалар ёрдамида қопларга қадоқланади. Бункерларда тарасиз сақланадиган ун истеъмолчиларга ун ташувчи маҳсус машиналарда ташилади.

Ун ишлаб чиқарилган вақтига, маҳсулот ҳолатига, сақлаш шароитига қараб истеъмолчиларга автомобиль ва темир йўл транспортида жўнатилади.

Аралаш озуқа ишлаб чиқаришни технологияси “Аралаш озуқа, БВД, премикслар ва карбамид концентрати ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш ва юритиш йўриқномаси” га асосланади. Аралаш озуқа ишлаб чиқариш технологияси қўйидаги ишлаб чиқариш жараёнларни ўз ичига олади.

Хом ашё қабул қилиш ва сақлаш, ишлашга тайёрлаш, янчиш ва дозировка қилиш, аралаштириш, ғилаклаш, тайёр маҳсулотни сақлаш ва жўнатиш каби жараёнлардир. Аралаш озуқа учун кепак тегирмон цехидан ўтади.

Дон хом ашёси ва шрот темир йўл ва автомобиль транспортлари орқали келади ва уларни тушириш З та қабул қурилмасида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш корпусида З та қабул қилувчи нория мавжуд. Кепакни

ишлиб чиқаришга тайёрлаш бевосита ишлиб чиқариш корпусида амалга оширилади. Шрот эса дон тайёрлаш цехига юборилади. Шротни силослардан чиқариш учун ҳар бирини тагида вибро разгрузчик шротни ортиш учун скребковой конвейер ўрнатилган.

Дон хом ашёсими қабул қилиш З та нория ва З та транспортёрдан иборат.

Дон хом ашёсими ишлиб чиқаришга тайёрлаш жараёнида сепаратордан ўтказилади. Донни янчиш эса голландияда ишлиб чиқарилган молоткали дробилкаларда амалга оширилади.

Бу ишлиб чиқариш жараёнида магнит химояси ва тош ажратгич, микдорий дозировка қилиш ва аралаштириш ишлари Голландияда ишлиб чиқарилган асбоб – ускуналарда бажарилади. Худди шундай шрот ҳам шу ишлиб чиқариш жараёнларидан ўтказилади. Тайёр бўлган дон-шрот аралашмаси скребкали конвейер орқали норияга келиб тушади. Ундан сўнг скребковой конвейрга қуилиб бункерларга тақсимланади.

Тайёр маҳсулотлар силосидан нория ва транспортерлар орқали ғилаклаш бўлимига берилади. Тайёр омихта ем темир йўл ва автомобиль транспортлари орқали истеъмолчиларга жўнатилади. Жамият бўйича 2016-2018 йилларда маҳсулот ишлиб чиқариш ва сотиш учун сарфланадиган асосий хом-ашё ва материаллар қуидагича:

1.3-жадвал

“Дунё-М” АЖда маҳсулот ишлиб чиқариш ва сотиш учун сарфланадиган асосий хом-ашё ва материаллар тўғрисида маълумот

Т/р	Хом-ашё ва материаллар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори			2018 йилда 2016 йилга нисбатан ўзг. % да
			2016 йил	2017 йил	2018 йил	
1	Буғдой	Тонна	114800	106667	106667	92,9
2	Арпа	Тонна	5377	8900	9000	167,4
3	Мака дони	Тонна	3000	1000	1000	33,3
4	Дон чиқиндиси	Тонна	11000	9407	9560	86,9

давоми						
5	Кепак	Тонна	24682	24933	25600	103,7
6	Пахта кунжараси	Тонна	1500	300	390	26,0
7	Тарик ва бошқалар	Тонна	0	1000	1000	0
8	Охак уни ва бошқа компонентлар	Тонна	800	920	920	115
9	Автошиналар	Дона	25	40	50	200
10	Қишлоқ хўжалик техника шинаси	Дона	20	30	30	150
11	Аккумуляторлар	Дона	15	20	20	133,3
12	Электроэнергия	Минг/кВт/с	14400	17500	16000	111,1
13	Дизел ёқилғиси	Тонна	85	100	100	117,6
14	Бензин	Тонна	20	20	20	100
15	Ҳар хил ёғлар	Тонна	12	20	20	166,7

Манба: Қарши “Дунё-М” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

2018 йилда ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 106667 тонна буғдой сарфи қилинган. 2017 йил ғалла ҳосили бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан 164191 тоннага шартномага тузилган. Вилоятимизда етиштириладиган ғалла ҳосили корхона эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди.

1.3- жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, 2018 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар 2016 йилнинг шу даврига нисбатан айрим турларида камайиш кузатилади. Мисол учун буғдойни қайта ишлаш ва сотиш 92,9 фоизга бажарилган. Арпа хом ашёсини қайта ишлаб сотиш эса ўтган шу даврига нисбатан 167,4 фоизга бажарилган.

Аралаш озуқа ишлаб чиқариш бўйича сарфланадиган дон маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар қишлоқ хўжалик корхоналари билан тузиладиган шартномалар асосида олинади. Ем ишлаб чиқариш учун сарфланадиган дон чиқиндилари ва кепак корхона элеватори ва тегирмон цехидан олинади.

Аралаш озуқа учун ишлатиладиган бошқа дондан ташқари хом-ашё компонентлари ўзаро шартномалар асосида сотиб олинади. Корхонада ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларидан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа хом-ашё ва эҳтиёт қисмлар Тендер комиссияси рухсати ва шартнома асосида келишилган нархларда сотиб олинади.

2018 йилда эса 2016 йилга нисбатан ёқилғи мойлаш материаллари истеъмолида ўсиш кузатилади. Масалан 2018 йилда электр энергия истеъмоли 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 111,1 фоизга, дизел ёқилғиси эса 117,6 фоизга ўсган. Ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергия, ёқилғи-мойлаш материаллари ва газ сарфи ҳар бир ишлаб чиқариш цехлари бўйича ҳисоб счётчиклари ўрнатилган бўлиб, шу асосда харажатлар ҳисоблаб борилади.

Биз қуйидаги 1.4-жадвал орқали корхонада маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар ва молиявий натижалар тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

1.4-жадвал

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг 2016-2018 йилги молиявий натижалари таҳлили

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисб.%
1	Маҳсулот сотишдан тушум	минг сўм	107761372	161014871	140852867	130,7
2	Сотилган маҳсулотлар таннархи	минг сўм	92894460	136610041	121442865	130,7
3	Ялпи фойда	минг сўм	14866912	24404830	19410002	130,6
4	Рентабеллик даражаси	%	16,0	17,9	16,0	ўзгармаган
5	Давр харажатлари	минг сўм	14027274	23035624	22538644	160,7
6	Шу жумладан: Жорий бошқа операцион харажатлар	минг сўм	11190735	16258794	15915865	142,2

давоми						
7	Маъмурий бошқарув харажати	минг сўм	1096839	1705922	3049470	278,0
8	Сотиш билан боғлиқ харажат	минг сўм	1739700	5070908	3573309	205,4
9	Молиявий фаолият даромади	минг сўм	6058500	10495818	16319258	269,4
10	Молиявий фаолият харажати	минг сўм	690532	640778	1226008	177,5
11	Умумий харажатлар	минг сўм	104565472	160286443	145207517	138,9
12	Солик тўлангунгача бўлган фойда	минг сўм	3195900	11224246	11964608	374,4
13	Солик тўловлари	минг сўм	567182	1848456	2464608	434,5
14	Соф фойда	минг сўм	2701720	9375790	9500000	351,6
15	Рентабеллик даражаси	%	2,6	5,8	6,5	2,5 пунктга кўпайган

Манба: Қарши “Дунё-М” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

1.4-жадвал малумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, “Дунё-М” АЖда ялпи фойда ҳажми 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 130,6 фоизга бажарилган. Бунга асосан корхонада 2018 йилда 1000 тонна тариқ ва бошқа донларни олиб келиб қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини, ўз навбатида маҳсулот таннархини камайтириш борасида олиб бориладиган ишларни кўрсатиш мумкин. Яъни 2018 йилда корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,7 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

2018 йилда 2016 йилга нисбатан давр харажатлари таркибида ўсиш кузатилади яъни ўтган йилга нисбатан 160,7 фоизга ўсган. Давр харажатлари таркибида асосий ўсиш корхонанинг маъмурий харажатларида ва маҳсулотини сотиш харажатларида кузатилади. Корхонанинг молиявий фаолиятида олинган даромадида ҳам ижобий ўсиш тенденциясини

кўришимиз мумкин, яъни 2018 йилда 2016 йилга 1207224 минг сўмга ёки 269,4 фоизни ташкил қиласди. Ўз навбатида молиявий фаолиятга қилинган харажатлар ҳам таҳлил қилинаётган даврларда 177, 5 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Умумий харажатлар 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 40642045 минг сўмга ортган. Корхонада умумий харажатларнинг ортиши асосан хом ашё ва ёқилғи мойлаш материалларининг нархини ошиши ҳисобига кузатилади.

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг иқтисодий ҳолати ижобий кўрсаткичларга эришганлиги муносабати билан ижтимоий масалаларини ҳал қилинишига имконият яратилган.

2.2. Дон маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларининг ривожланиш ҳолати

Республикада етиштириладиган муҳим стратегик маҳсулотлардан бири ғалла ҳисобланади. Ғалла етиштириш мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги ва миллий барқарорлигининг муҳим шартларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобига аҳолининг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам биринчи Президентимизнинг бевосита ташаббуслари ва раҳнамолигида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчларидан бири ва азалдан ризқу-рўз тимсоли сифатида эъзозланиб келинган дон етиштириш ҳажмини кескин ошириш ва шу аснода “Ғалла мустақиллиги”ни қўлга киритиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, агар 1990 йилда собиқ СССР таркибида бўлган Ўзбекистон Республикасида 1008,1 минг гектар ерга дон экилиб, 1898,7 минг тонна ҳосил етиштирилган ва ҳосилдорлик гектарига 18,8 центнерни ташкил

этган бўлса¹⁶, 2014 йилга келиб дон экинлари майдони 1655,6 минг гектарни ташкил этиб, ялпи ҳосил 8050,0 минг тоннани ва ҳосилдорлик 45,3 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йилда 6375,4 минг тоннани ташкил этди.

Маълумки, 2014 йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши, сув танқислиги ва бошқа муаммоларга қарамай мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондриш имконини бермоқда.

Муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов республикамиизда ғаллачиликни ривожлантириш борасида эришилган натижалар ҳақида қуидагича фикр билдиради: “Ўзбекистон ғалла экспорт қиласиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Авваллари биз аҳолимизни боқиши учун 5 миллион тонна буғдойни четдан сотиб олишга мажбур эдик. Эндиликда эса биз ғалла мустақиллигига эришибигина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўймоқдамиз¹⁷”.

Статистик маълумотларга қараганда жами экин майдонлари таркибида ғалланинг салмоғи кенгайиб бормоқда. Агар 2000 йилда барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 1614,0 минг гектарга бошоқли дон экилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 1689,5 минг гектарга етган ёки 4,7 %га ошган.

Бошоқли дон етиштириладиган майдонларнинг жами экин майдонларидағи салмоғи 2000 йилда 42,7%дан 2018 йилда 45,6 %га етди. Шуниси эътиборга моликки, 2000-2018 йиллар оралиғида бошоқли дон ҳосилдорлиги гектарига 27,0 центнердан 2010 йилда 43,6 центнергача ёки 61,5 %гача ошди. Бироқ 2018 йилда 2010 йилга нисбатан ҳосилдорлик 86,5 % га teng бўлган ёки 13,5 %га камайган. Бу камайиш албатта табиатнинг инжиқ келиши, яъни 2018 йилда сувнинг кам бўлиши (курғоқчилик) сабаб бўлган.

¹⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статический ежегодник. Т.: Узбекистан, 1991. 237-239 с.

¹⁷ И.А.Каримов. “Ўзбекистон озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. [Халқ](#) сўзи, 2014 йил 7 июнь.

Дон етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. 2000-2018 йиллар давомида фермер хўжаликларида бошоқли дон экинлари майдони 255,0 минг гектардан 1442,8 минг гектарга ёки 5,7 мартага, ялпи ҳосил микдори 568,9 минг тоннадан 5020,5 минг тоннага ёки 8,8 мартага ошган. Қайд этилаётган ўсиш суръатларига ҳосилдорликнинг гектарига 22,3 дан 43,2 центнерга ёки 1,93 мартага ошгани эвазига эришилган, бироқ бу кўрсаткич 2018 йилда 2000 йилга нисбатан 1,56 мартага, 2010 йилга нисбатан эса 1,24 мартага камайганлигини қўриш мумкин. Фермер хўжаликларида 2000-2018 йилларда бошоқли дон экин майдонлари улардаги жами экин майдонларининг 40,3%идан 45,2%игача кенгайиб, уларнинг жами дон ҳосилидаги улуши ҳам 14,5% дан 78,7% гача ошди.

Республикамизда дон маҳсулотлари етиштиришда дехқон хўжаликларининг ҳам аҳамияти юқори. Жумладан, 2000-2018 йиллар оралиғида дехқон хўжаликларида дон экинлари майдони 195,4 минг гектардан 246,7 минг гектарга ёки 26,2%га, етиштирилган дон ялпи ҳосили эса 758,5 минг тоннадан 1215,6 минг тоннага ёки 60,3%га ошди. Шу даврда дехқон хўжаликларида ҳосилдорлик гектарига 38,8 центнердан 49,3 центнерга ёки 11,3%га ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дехқон хўжаликларининг республика бўйича жами дон маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси 2018 йилда 19,1%га teng бўлди (1.5-жадвал).

1.5-жадвал

Республика ғаллачилик тармоғини ривожланиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000 йил	2010 йил	2018 йил	Ўзгириши %да
Барча тоифадаги хўжаликларда					
Дон экинлари майдони	минг га	1614,0	1679,3	1689,5	104,7
Жами экин майдонига нисбатан салмоғи	%	42,7	45,3	45,6	1,1 пунктга ошган
Ҳосилдорлик	ц/га	27,0	43,6	37,7	139,6
Ялпи ҳосил	минг тонна	3929,0	7404,1	6375,4	162,2

ш.ж. фермер хўжаликларида					
Дон экинлари майдони	минг га	255,0	1422,4	1442,8	565,8
Хосилдорлик	ц/га	22,3	43,2	34,8	156,1
Ялпи ҳосил	минг тонна	568,9	6032,7	5020,5	882,5
Ялпи ҳосил салмоғи	%	14,5	81,5	78,7	5,4 пунктга ошган
дехқон хўжаликларида					
Дон экинлари майдони	минг га	195,4	217,6	246,7	126,2
Хосилдорлик	ц/га	38,8	53,5	49,3	127,1
Ялпи ҳосил	минг тонна	758,5	1278,8	1215,6	160,3
Ялпи ҳосил салмоғи	%	19,3	17,3	19,1	1,01 пунктга камайган

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

Дон маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш асосан “Ўздонмаҳсулот” давлат акционерлик компанияси ва унинг тизимидағи корхоналарда жамланган. Компания донни қайта ишлаш асосида ун ва ёрма, омухта ем, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 февралдаги ПФ-334-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги тутатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари давлат концерни (“Ўздонмаҳсулот”) ташкил этилди. Кейинчалик нонвойхона, тегирмон-ёрма ва омухта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари иш самарадорлигини ошириш, аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, тармоқда бозор муносабларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 22 апрелдаги ПФ-840-сонли Фармониг асосан “Ўздонмаҳсулот” давлат концерни “Ўздонмаҳсулот” давлат-акционерлик корпорациясига айлантирилди. Мазкур қарорга кўра “Ўздонмаҳсулот” давлат-акционерлик корпорациясига дон харид қилишни, ун, ёрма, омухта


ем, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Донни харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида бошқарувни тубдан такомиллаштириш, ортиқча оралиқ тузулмаларни тугатиш, тармоқда бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мвҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорига асосан “Ўздонмаҳсулот” давлат-акционерлик корпорацияси очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясига айлантирилди. “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси таркибиға 44 та корхона ва улар таркибидаги 193 дан ортиқ дон қабул қилиш шаҳобчалари, шу жумладан ҳаммаси бўлиб 34 та филиалга эга бўлган 25 та корхоналар жамланган (1.3-чизма).

Қуйидагилар “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш;
- Юқори сифатли ун навлари, ёрма, омухта ем, шунингдек нон-булка, макарон ва қандолатчилик аҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисини улар билан таъминлашни ташкил этиш;
- Дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарининг дон етиштирувчилар – фермер ва дехқон хўжаликлари билан ўзаро муносабатлари механизмларини, шу жумладан донни қабул қилиш, сифатини баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларини такомиллаштириш, дон сифатини таъсирчан назорат қилиш ва уни холисона баҳолаш тизимини яратиш;
- Дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга кўмаклашиш;

•Дон маҳсулотлари тармоғи корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш, уларнинг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.



1.3-чизма. “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг таркибий тузилиши

Республикамида дон маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида “Ўздонмаҳсулот” АКдан ташқари бошқа корхоналар ҳам фаолият кўрсатади. Республикада дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари томонидан 2000-2018 йиллар давомида ун ишлаб чиқариш 1226,7 минг тоннадан 1979,3 минг тоннага ёки 14,6 %га, макарон маҳсулотлари 83,3 минг тоннадан 93,0

минг тоннага ёки 11,6 %га, нон ва нон маҳсулотлари 843,4 минг тоннадан 1084,5 минг тоннага ёки 28,6 %га ошган (1.6-жадвал).

1.6-жадвал

Республикада дон маҳсулотларини қайта ишлаш асосида айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари,

минг тонна

Маҳсулот турлари	2000 йил	2010 йил	2012 йил	2014 йил	2016 йил	2018 йил	2018 йилда 2000 йилга нисб., %
Ун	1726,7	1674,9	1732,0	1579,8	1820,3	1979,3	114,6
Ёрма	77,8	24,4	10,3	20,5	34,7	33,8	43,4
Макарон маҳсулотлари	83,3	45,6	42,0	57,4	77,3	93,0	111,6
Нон ва нон маҳсулотлари	843,4	606,2	957,9	912,9	1062,0	1084,5	128,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришни диверсификация, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни таъсинлашнинг чора-тадбирлари” Давлат дастурида 2015-2019 йилларда “Ўздонмаҳсулот” АК бўйича умумий қиймати 102,9 млн.долларга тенг бўлган 32 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Лойиҳа қийматининг 22,6 млн.долларини корхоналарнинг ўз маблағлари, 80,3 млн.долларини тижорат банкларининг кредитлари ташкил этиши белгилаб берилган. Бу дастурларнинг амалга оширилиши республикамиз аҳолисининг ун, ёрма, макарон маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабини қондиришга ёрдам беради.

Биз таҳлил қилаётган Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти Низоми ва эмиссия проспекти бўйича, Қашқадарё вилоят Адлия бошқармасидан 1994 йил 25 ноябрда 338-сон билан рўйхатга олинган.

Дастлаб, Низом жамғармаси 19000 минг сўмдан иборат бўлиб, номинал қиймати 1000 сўмлик 18810 дона оддий ва 190 дона имтиёзли акциялар чиқарилиб қуидагича тақсимланган:

- жамоа улуши 20 фоиз 3800 дона
- давлат улуши 51 фоиз 9690 дона
- эркин савдо улуши 29 фоиз 5510 дона

Жамиятнинг янги акциялар чиқариш туғрисидаги қарори 2015 йил 25 сентябрда тасдиқланган бўлиб, Низом жамғармаси 11266272 минг сўмдан иборат бўлиб, номинал қиймати 2000 сўмдан 5633136 дона акцияни ташкил этади.



1.4- чизма. Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти ташкил қилган устав фонди таркиби

Жамиятнинг молиявий хужжатларида Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти очик турдаги жамият бўлиб, унинг Низом жамғармаси 11266272 минг сўмдан иборатdir. Жамият таркибига “Шахрисабздон” ва “Баҳористон дон” филиаллари, “Иссик нон Навкат” МЧЖ ва “Бибихоним” гўшт-сут ишлаб чиқарувчи МЧЖлар киради. “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти молиявий томондан барқарор корхоналар жумласига киради.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан иборат. Улар ҳар иилига сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари меҳнат жамоаси ҳисобланмайди.

Жамият бошқарув раиси, бош муҳандис, раис ўринбосарлари, бош ҳисобчи ва бош ҳисобчи ўринбосари томонидан имзо қўйишга хақлидир.

Жамиятнинг бошқарув аъзолари 5 кишидан иборат. Уларнинг хизмат вазифалари қуидагилардан ташкил топган:


Бошқарув раиси шартнома асосида иш юритиб бир йил муддатга сайланади.

Бошқарув раисининг хизмат вазифаси акционерлик жамияти Низомида белгиланган акционерлик жамияти раиси хизмат вазифаларидан иборат. Корхонанинг кундалик иқтисодий-ижтимоий масалаларига умумий раҳбарлик қиласи.

Ишлаб чиқариш директори бутун ишлаб чиқариш жараёнини бошқаради. Бошқарув раиси бўлмаган вақтларда унинг ишини вақтинча бажаради. Сотиш ва молия директори корхонанинг молиявий масалалари билан шуғулланади.

Энди Қарши “ДУНЁ-М” АЖнинг бошқарув тузилмаси билан танишиб чиқамиз.

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти фаолият йўналиши истеъмолчиларга сифатли дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишлаб чиқаришга сарфланаётган маблағ ва харажатларни минимал даражада камайтириш, арzon нархда чорва маҳсулоти-гўшт ва сут етиштиришни белгилаш юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат. Шу билан бирга корхона раҳбарларига унинг ҳолатини аниқ билишга ёрдам берган ҳолда, уни самарали бошқариш, бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга ошириш, хақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳамда ўз вақтида уларга ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради ҳамда корхона фаолияти бўйича тегишли ахборотларни банкларга, инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.



1.5 – чизма. Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг бошқарув таркиби

Дарҳақиқат, мамлакатимизда дон маҳсулотлри етиштириш, улрни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда устувор вазифалардан саналади. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигининг қўлга киритилиши ва дон экинлари ҳосилдорлигининг муттасил ўсиб бораётганлиги донни қайта ишлаш саноатининг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

2.3. Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги

Ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда, аввало унинг ишлаб чиқариши лозим бўлган товарларига ёки хизматларига харидорларнинг эҳтиёжи, уларнинг имконияти ўрганилади. Бу эса ўз навбатида мураккаб ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, товарлар ва хизматлар ассортиментини режалаштириш, реклама ишларини бошқариш каби ишлар билан шуғулланувчи маҳсус маркетинг хизматини ташкил қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш устуворлигига мўлжалланган сиёsat юритувчи корхона бошқариш органларининг ташкилий таркибида инженер-техник ходимлар асосий бўғин ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқарувчи корхона, шу жумладан Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти ҳам реклама билан, бозорни ўрганиш билан, бозор нархларини аниқлаш билан, географик, ёшига нисбатан ва бошқа мезонларга асосланиб, бозорни сегментлаш билан шуғулланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, агар илгари харидорларни ўрганиш фақат савдо ташкилотларини вазифаси саналган бўлса, маркетинг ёндошувида товар ишлаб чиқарувчилар ҳам харидорни ўрганишга ҳаракат қиласилар.

Маркетингнинг энг асосий вазифаларидан бири, кафолатланган юқори сифатли ва харидор талабига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил қилишни йўлга қўйишидир. Маркетинг ёндошувида товар юқори сифатли саналиши учун у сифат бўйича халқаро техник стандартларга жавоб бериш билан бирга маълум бозор сегментининг эҳтиёжига ҳам жавоб бериши керак. Шунинг учун маркетинг хизматининг марказий вазифаларидан бири сифатни бошқариш саналади.



1.6-чизма. Маркетинг бўлимини функционал йўналишда ташкил этиш

Маркетингни ташкил қилиш корхонада бир неча йўналишда амалга оширилиши мумкин:

1. Функционал тамойил бўйича — бунда жавобгарлик тақсимот, сотиш, таъминот ва товар харакатини ташкил қилиш доираларига тушади (1.6-расм).
2. Товар тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойиллари, яна бир товар маркаси учун бошқарувчилар қўшилади.
3. Бозор тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойилга, яна хар бир худуд бозорлари ва истеъмолчилар тури бўйича бошқарувчилар қўшилади.

Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида маркетинг бўлимини функционал тамойил асосида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки функционал ташкил этишининг ютуқлари, бўлинмаларнинг бошқаришдаги соддалик, бажариладиган функцияларга юқори жавобгарликдир.

Товар тамойили бўйича ташкил этиш товарлар ва улар гурухлари бўйича бўлимлар ташкил этишни талаб этади. Маркетинг хизматининг ташкилий тузилиши бу каби бўлган шакл, аввало ишлаб чиқарадиган товарлар ассортименти катта бўлган фирмаларга тўғри келади.

Бозор тамойили бўйича ташкил этишда деярли барча корхоналар ўз товарини характеристири жиҳатидан турлича бўлган бозорларда сотади. Турли бозорларнинг сотиб олиш хусусиятлари ёки турли товар афзалликларига эга

бўлган ҳоллардагина бозор тамойилига кўра ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Қарши “ДУНЁ-М” очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот яъни, ун товар хом-ашё биржаси орқали Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган нархлар асосида сотилади.

Асосий маҳсулотимиздан яна бири омихта ем бўлиб, ушбу маҳсулот товар хомашё биржалари орқали сотилади.

Аralаш озуканинг нархи уни ишлаб чиқариш учун кетадиган компонентлар таркиби боғлиқ бўлиб, эркин нархларда вилоят товар хомашё биржаси орқали сотилади. Бу эркин нархлар вилоятнинг молия бошқармаси томонидан чегараланган рентабеллик асосида тартибга солиб турилади.

Макарон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш истеъмолга қараб амалга оширилиб, келишилган эркин нархларда шартномалар асосида сотилади.

Уларни ишлаб чиқаришдан ташқари сотиш билан боғлиқ харажатларига эътибор каратиш лозим. Жумладан ушбу маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш, чиройли идишларда қадоқлаш ва сифатини ошириш лозим.

Жамиятнинг асосий рақобатдошлари вилоятимиз ҳудудида жойлашган дон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналардир. Мазкур корхоналар билан истеъмол бозорида фақатгина сифатли ва арzon нархлардаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан рақобат қилиш мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми Қашқадарё вилоятида ва Республикадан ташқарида сотилади. Вилоятимиздаги асосий истеъмолчиларга: нон комбинатлари, савдо корхоналари, қишлоқ хўжалик корхоналари, ички тармоқ корхоналари, бошқа хусусий ва шахсий корхоналар, жисмоний шахслар ва Республикадан ташқарига.

Маркетинг хизматининг тузилиши қайси тамойил бўйича ташкил этилмасин, Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида унинг асосий функцияси ва вазифаси қуидагилардир:

- комбинат фаолияти ҳолатини тизимли ва комплекс таҳлил қилишни ўтказиш, муваффақиятсизлик сабабини ва заҳираларини аниқлаш, маркетинг сиёсати ва маркетинг фаолиятида тажриба ва ютуқлардан фойдаланиш;

- маркетинг стратегиясини, айниқса товар ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқиши, асосий маркетинг мақсадини аниқлаш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи талабига мослаштириш, янги мақсад, стратегия ва тактикаларни аниқлаш;

- маркетинг фаолиятининг амалга ошувини ташкил этиш, фирма турли хизматлар ва бўлимлари фаолиятини координациялаш, бозорни ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш, рақобатчи дон маҳсулотлари комбинатлари товари, стратегиясини ўрганиш;

- реклама ишини ташкил этиш, рекламанинг нисбатан оптимал канал ва вариантларини танлаш;

- товар ва хизматларни самарали сотишни уюштириш, етказиб беришни назорат қилиш, самарали товар ҳаракатини амалга ошириш;

- маркетинг хизмати фаолиятини баҳолаш, ҳар бир маркетинг ходимини рағбатлантириш ва ҳоказолар. Мақсадларни ишлаб чиқишида улар корхона ходимларининг ниятларини акс эттириш зарурлигига алоҳида эътибор бериши керак.

Маркетингни ташкил этишда Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ҳажми;
- сотиш ҳажми;
- ўсиш суръатлари;
- бозордаги ҳиссаси;

- режаланган фойда, бу фойданинг ҳажми, фойданинг сотув ҳажмига нисбати, барча сармоядаги фойда меъёри, фойданинг акциядорлар сармоясига нисбати ва бошқаларда акс этиши мумкин;
- маҳсулот сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва шу кабилар.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар маркетингга ҳар бир маълум бозор сегментлари бўйича муайян бир даврга белгиланган энг юксак иқтисодий самарага йўналтирилган мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги туб ислоҳотларни амалга ошириш даврида корхонада маркетинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, корхонанинг мақсадларига эришиш воситаси ва келгусидаги корхона имкониятларини ва стратегияларини ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласи.

2-боб бўйича хуроса

Ушбу бобда Қарши “Дунё-М” АЖнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилган ва статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Корхонанинг ташкилий ҳуқуқий шакли Қарши “ДУНЁ-М” очик турдаги акциядорлик жамияти бўлиб, дастлаб “Қарши дон маҳсулотлари комбинати” деб юритилган, корхона қурилиши 1969 йил бошланиб, 1973 йил қуриб ишга туширилган.

Қарши дон маҳсулотлари комбинати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни асосида Қашқадарё вилоят Давлат Мулки бошқармасининг 1994 йил 12 октябрдаги №588 буйруғи ва меҳнат жамоаси мажлис қарори билан “Дунё-М” очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Тадқиқот обьекти бўлган Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида кейинги йилларда ғаллани қайта ишлаш орқали аҳолини ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдан иборатdir. Дарҳақиқат, 2018 йилда ун ишлаб чиқариш 59300 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19767 тоннага ёки 22,2 %га кам ишлаб чиқарилган. Сабаби 2018 йилда тегирмон цехининг 1 секцияси тўлиқ реконструкция килинди. Туркияning “Макинас Энержджи” компаниясининг илғор технологияси билан тўлиқ жиҳозланди. Натижада суткасига 250 тонна ишлаб чиқариш ўрнига 300 тоннали тегирмон қурилиб жами бир суткада 550 тонна буғдойни қайта ишлаш имкониятига эга бўлинди.

Аралаш озуқа ишлаб чиқариш 2018 йилда 32234 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 14802 тонна кам ишлаб чиқарилган. Бунинг асосий сабаби тегирмон цехини 2018 йил 6-ой давомида реконструкцияга тўхтатилганидир.

“Дунё-М” АЖда ялпи фойда ҳажми 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 130,6 фоизга бажарилган. Бунга асосан корхонада 2018 йилда 1000 тонна тарик ва бошқа донларни олиб келиб қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини, ўз навбатида маҳсулот таннархини камайтириш

борасида олиб бориладиган ишларни кўрсатиш мумкин. Яъни 2018 йилда корхонада маҳсулот сотищдан тушган тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,7 фоизга ўсганлигини қўришимиз мумкин. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Ҷарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти фаолият йўналиши истеъмолчиларга сифатли дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишлаб чиқаришга сарфланаётган маблағ ва харажатларни минимал даражада камайтириш, арzon нархда чорва маҳсулоти-гўшт ва сут етиштиришни белгилаш юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат. Шу билан бирга корхона раҳбарларига унинг ҳолатини аниқ билишга ёрдам берган ҳолда, уни самарали бошқариш, бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга ошириш, хақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳамда ўз вақтида уларга ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради ҳамда корхона фаолияти бўйича тегишли ахборотларни банкларга, инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда дон маҳсулотлри етиштириш, улрни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда устувор вазифалардан саналади. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигининг қўлга киритилиши ва дон экинлари ҳосилдорлигининг муттасил ўсиб бораётганлиги донни қайта ишлаш саноатининг тараққиётига ўз хиссасини қўшмоқда.

3-боб. Агросоноат интеграциясини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

3.1. Агросоноат интеграциясини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш

Ривожланган мамлакатларда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдо интеграциялашиш йўналишида ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан Хитойнинг қишлоқ саноатини ривожлантиришдаги тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Саноат ва савдо корхоналарининг кооперативлар ва давлат хўжаликлари таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бирлашиши кўплаб муаммоларни ҳал этиш жараёнига тезлаштириш имконини берди.

Хитойнинг аксарият хўжаликлари амалиёти шундан далолат бериб турибдики, қишлоқ саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш агарар иқтисодиётни ривожлантиришга ва меҳнат самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Улар қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини ривожлантириш, ҳалқ турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш учун йўналтириладиган қўшимча пул маблағларини олиш манбаси бўлиб хизмат қиласи.

Ҳозирги вақтда донларни қайта ишлаш ва нон пишириш бўйича ўз цехларини, кичик корхоналарини ташкил этган. Айрим қишлоқларда тегирмонлар, крупя янчиш цехлари, гишт, қурилиш материаллари, буёқлар ва олифлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводлар қурилмоқда. Кийим-кечак тикиш, пойабзал, бош кийимлари тайёрлаш, чарм, қўй терини қайта ишлаш, майший техника, уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш ва бошқа корхоналар ташкил этилмоқда.

Хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида интеграцияни, шу жумладан қишлоқ хўжалиги билан саноат интеграциясини ташкил қилишнинг илмий-назарий ҳамда амалий муаммолари кенг ўрганилган. Тадқиқотларнинг таҳлили шуни қўрсатадики, дастлаб қишлоқда

ишлиб чиқариш ва истеъмол кооперацияларини ташкил этиш ғоялари, тамойиллари ва шакллари россиялик олим А.Чаянов томонидан асослаб берилган¹⁸. А.Чаяновнинг илмий қарашлари ҳамда амалий хulosалари кейинчалик кўплаб хорижий давлатларда кенг тадбиқ этилган ва ривожлантирилган. Масалан, Канада давлатини аграр сиёсати ҳам товар ишилаб чиқарувчиларнинг қайта ишилаш, улгуржи, баъзида чакана савдо соҳасида бирлашишларига қаратилган. Ҳозирги пайтда ушбу кооперация корхоналари ҳуқуқий асосга эга бўлиб, товар ишилаб чиқарувчилар фаолиятининг умумий тан олинган ҳаётй меъёрларига айланган.

Германияда эса ҳозирги даврда 4,2 мингдан ортиқ мустақил товар ишилаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ҳуқуқий мақомга эга кооперативлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай кооперативлар ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзини бошқариш, натижа учун жамоа масъулиятини, рақобат қобилиятини сақлаб қолиш кабиларни ўз ичига олган тамоилларга асосланган. Мамлакатдаги деярли барча фермерлар ва кичик қайта ишловчи корхоналар ушбу тамойилларни тан олган ҳолда бир ёки бир неча кооперативларнинг аъзолари ҳисобланади. Ушбу тамоиллар негизида турли хорижий мамлакатларда ишилаб чиқариш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кооператив шакли ва иқтисодиёт тармоқларида кооперацияга бирлашган ҳамкор корхоналарни ташкил этиш кенг қулоч ёйган.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва интеграциялашувининг ривожланиш жараёнлари зарур шарт ҳисобланади ва у маълум бир моддий-техника, ижтимоий-иктисодий ва ташкилий шарт-шароитларга асосланади. А.В.Туръянскийнинг фикрига кўра, уларнинг энг муҳимлари жумласига куйидагиларни киритиш жоиз:

1. Жамиятнинг ишилаб чиқариш кучларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига ишилаб чиқаришнинг индустрiali усусларини ривожлантириш;

¹⁸ Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство: избранные труды// Ред. кол.сер.: Л.И.Абалкин и др. – М.: Экономика, 1989. – С. 62, 100.

2. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг маълум даражасига эришиш;
3. Ишлаб чиқаришни умумийлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш асосида тармоқлараро ва ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш.

Дарҳақиқат глобаллашув янада кенгайиб бораётган, дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ўзаро алоқадорлиги ошиб бораётган, ресурсларга ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобати кескинлашиб бораётган шаритида кластер модели иқтисодиётнинг, жу жумладан аграр соҳасининг фаолият кўрсатишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Интеграциянинг кластерли шакли амалиётда турли хил намоён бўлади, аммо у вертикал-интеграциялашган агрохолдингдан (ҳам кластер ичида, ҳам ташқи бозорда рақобатнинг мавжудлиги ва холдинги ичидаги эркин рақобат йўқлиги билан) ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш тузилмалардан (кластерларда товарни яратиш занжири янада узунроқ бўлиши билан) туб фарқланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кластерлар ташкилий-хуқуқий шакли ҳисобланмайди ва агрохолдингдан фарқли улароқ (у ерда иштирокчиларнинг мустақиллиги тўлиқ ва қисман йўқолади) кластерга кирган иштирокчилар хўжалик ва юридик мустақиллигини сақлаб қолади. Кластерлар – бу тадбиркорлик муҳитининг алоҳида шакли бўлиб, унга бизнес субъектлари ва ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа соҳалари (илм-фан, ҳукумат) билан расмий алоқалар эмас, балки янги кооперацон ёндошув хосдир¹⁹.

Шу туфайли иқтисодиётда кластерли рақобатли ёндошув тадбиркорлик ва бошқа фаолиятини ташкил этишдан тортиб то маҳсулот, иш ёки хизматнинг яқуний истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш усуllibаригаса бўлган бутун сабаб-оқибат занжирини кузатиб бориш имкониятини беради.

¹⁹ Козлов М.П. Проблемы формирования и становления региональных агропромышленных кластеров в условиях инновационной экономики. // Стратегия развития АПК и сельских территорий: перспективные идеи и конкурентоспособные технологии. Материалы Международной научно – практической конференции, посвященной 50 -ти летию ФГБНУ ВНИОПТУСХ. – М., «Принт ПРО», 2105. с.380-383.

Кластерлаштириш ғояси ва унинг кенг татбиқ этилиши²⁰ жаҳон иқтисодиётида кластерлар инқилобига олиб келди. Европа кластерлар обсерватория маълумотларга кўра Европа Иттифоқи мамлакатларида жами қарийб 2100 кластерлар мавжуд бўлиб, уларда умумий сонидан 38 % ишчи кучи ишламоқда. Кластерларнинг умумий сонидан 11,5 % айнан агросаноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Бунда шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, 31тадан 26та (ёки 84 %) Европа давлатларида миллий кластер дастурлари мавжуд. Россияда ҳам кластер ёндошуви амалиётда фаол қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 кластерлар мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4таси озиқ-овқат соҳасида ташкил этилган.

Кластер моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳонда илм талаб қиласидаги технологияларнинг кескин ўсиб бораётган шароитида уларнинг охирги ўн йиллик давр ичидаги ҳам ривожланган ҳам ривожланаётган давлатларда ЯИМда илм-фанга сарфланган харажатларнинг улуши ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМнинг микдори билан ўзаро алоқадорлиги қайд этилмоқда. Таҳлилларга кўра юқорида келтирилган маълумотлар бўйича АҚШ, Япония ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи ўринни эгалламоқда. Ҳиндистон ва Бразилияда эса деярли барча кўрсаткичлар паст даражада. Россия ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлари эса ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида турибди.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисодий ўсиш даражасининг ўсиши ва ЯИМда илм-фанга сарфланган харажатлар кластерлаштириш билан ўртасидаги ўзаро алоқаси ва корреляцияси аксарият давлатларда кузатилади²¹.

²⁰ Порттер М. Конкуренция. Перевод с англ. – М., Издательский дом «Вильямс», 2000, - 485с.

²¹ Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства// Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. М., 2015, №1(22), с. 28-24

Шу билан бирга ривожланган ғарб давлатлар (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ ва бошқалар) тажрибаси шундан далолат беріб турибдикі, мінтақавий ҳамда мінтақалараро кластерларни фаол ташкил этиш ва халқаро ўзаро мұносабатларини ривожлантириш бизнес ва академик (университет) мұхити ўртасидаги коопeraçãoси йўли билан амалга оширилмоқда²². Хусусан, Францияда кластерлар локал саноат гурухлари, университет ва тадқиқот институтлари ўртасида шерікчилик асосида ташкил этилмоқда.

Агросаноат кластерларни құйидаги ўзаро боғлиқ бўлган йўллар орқали, хусусан, объектив асосида – АСМнинг ривожланиши ва ушбу иқтисодиёт секторида ўзаро мұносабатлар тизимишарини ҳисобга олган ҳолда ва субъектив асосида – давлат ва ҳудудий бошқарув органлари, хўжалик субъектлари ёки жамоат ташкилотларининг мақсадга йўналтирилган ўзаро алоқасига мувофиқ ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, тўлақонли кластер яққол намоён бўлган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Шу боис биринчи навбатда бир қатор қўшни ҳудудларни таъминлай оладиган муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми юқори бўлган ҳудудларни аниқлаб олиш лозим. Ихтисослашувни аниқлашнинг асосий мезонларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ҳисбланиб, у ўз навбатида ихтисослашув коэффициенти ва аҳоли жон бшига тўғри келадиган ишлаб чиқариш коэффициенти ёрдаида аниқланади, бунда унинг охирги 3-5 йил динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Олинган маълумотлар ва танлаб олиш учун юқорида қўрсатилган мезонлар асосида ҳудудларда агросаноат кластерларни ташкил этиш ва ихтисослаштириш ҳамда уларнинг салоҳиятларини таққослама баҳолаш

²² Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с. 51-55

мумкин. Бу барча манфаатдор бўлган томонларнинг ресурслардан фойдаланган ҳолда ҳақиқий кластерларни шакллантиришга имкон беради. Бунда қуйидаги ташаббуслар амалга оширилши мумкин: бюджет субсидиялар ҳисобига маҳаллий ишлаб чиқариш саноат маҳсулотларига бўлган талабни рағбатлантириш бўйича лойиҳалар; ваколатлар ва инжиниринг марказларни ташкил этиш; маҳсулотни сақлаш ва бозорда юргизиш инфратузилмаларни ривожлантириш; янги таълим дастурларни ишлаб чиқиш ва мутахассисларни мақсадли тайёрлаш; маслаҳат бериш марказларини ташкил этиш ва х.к. Бу эса кластер иштирокчилари ўргасида кооперацион алоқаларнинг ривожланишида номутаносиблик ҳолатларни бартараф этишга имкон беради.

Интеграциялашган ёки кооперациялашган ташкилотлар турли тамойиллар асосида тузилади. Бундан интеграция ва кооперацияни бир-бирига муқобил вариант сифатида қўриб чиқиш лозимлиги келиб чиқмайди. Ушбу ҳолатлар кўп жиҳатдан бир-бирига зид, лекин улар ҳар доим ўзаро ҳамкорликда ривожланади, кооперациялашган тузилмалар, одатда, биринчи навбатда, ўз иштирокчиларининг манфаатларига, интеграциялашган тузилмалар эса сармоянинг асосий эгалари, шахсларнинг кичик груҳи манфаатларига хизмат қўрсатади. Интеграциялашган тузилмалар сарфланган маблағлардан тезда самара олишга йўналтирилган фаолиятнинг тажаввузкор хусусияти билан ажralиб туради. Улар биринчи галда товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ташаббуси учун энг катта имкониятлар мавжуд бўлган жойларда юзага келади ва ривожланади. Шу билан бирга интеграция хўжалик юритувчи субъеклар ўзаро ҳамкорлигининг анча юқори поғонасини ўзида намоён этувчи кооперация учун база ҳисобланади.

Сармоядорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга нисбатан муносабатлари турлича. Контрактли-интеграция йирик сармоядорлар учун унчалик жозибали эмас, чунки агар бизнесининг бекарорли шароитида иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган қишлоқ хўжалиги

товар ишлаб чиқарувчилари томонидан шартнома мажбуриятларига амал қилинмаслиги оқибатида даромадларни олмаслик хатари интеграциялашган тузилмаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлардан анча юқори. Мустақил сармоядор нұқтаи назаридан, сармояни фақат қишлоқ хұжалигига сарфлаш ҳам катта хатарни үзіда мужассамлаштиради. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва сотиш жараёнига маблағ сарфлаш анча фойдали, бирок у етарли миқдорда хом-ашё етказиб беришни талаб қиласы, бу қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан маълум алоқаларни ўрнатишига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан йирик сармоя қишлоқ хұжалигини саноат корхоналарининг эҳтиёжларига мослаштириш учун уни техник қайта жиҳозлашдан манфаатдор, шунинг учун қайта ишловчи корхоналар интеграциялашган корхоналарни ривожлантиришнинг ташаббускори бўлиши мумкин. Агросаноат интеграциясини шакллантириш ва ривожлантириши ушбу хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштирилган ҳолда қўйидаги хуносаларни чиқариш имконини беради:

- агросаноат интеграцияси хұжалик юритишнинг үзига хос шаклини үзиди намоён этади ва бу шакл қишлоқ хұжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни қайта ишлашнинг үзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнда иштирок этувчи хұжалик юритувчи субъектлар билан белгилаб берилади;
- унинг ривожланишидан, биринчи навбатда, майда товар қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатдор бўлган агросаноат интеграцияси қишлоқ хұжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш иштирокчилари ҳамда ушбу жараёнларга жалб этилган бозор тузилмаларининг интеграцион алоқаларини ривожлантиришнинг ягона варианти ҳисобланмайди. Агросаноат интеграциясини ривожлантириш хұжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини сақлаб қолувчи

интеграцион жараёнлар ва бозор инфратузилмаларининг янада ривожланиши билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошиши лозим;

- Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хом-ашёсининг қайта ишловчилари билан интеграцияси қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулоти нархлари ўртасида юзага келган номутаносибликка барҳам бериш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар, шу жумладан инвестициялар жалб этишининг муҳим омили ҳисобланади;
- саноат ва қишлоқ хўжалиги интеграциясини ривожлантиришнинг муҳим ва зарурӣ таркибий қисми бўлиши зарур, унинг шаклланиши, вужудга келиши ва ривожланиши қишлоқ аҳолиси турмушининг ижтимоий-иктисодий шарт- шароитлари билан белгиланган.

Европа, Осиё ва Америка қитъаси мамлакатларида агросаноат интеграциясининг ривожланишини ўрганиш интеграциялашган хўжаликларнинг турли хиллари, айрим мамлакатларда улар фаолиятининг тажрибаси бўйича муҳим таҳлилий маълумотларни олиш имконини беради ва Ўзбекистан Республикасида иктисодий ислоҳ қилиш моделининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда бу саноат кооперацияни ривожлантиришда улардан фойдаланиш мумкин.

3.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш интеграцион тизимида агрокластерларни ташкил этишни такомиллаштириш

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларида интеграцион алоқаларнинг кучайиши кузатилмоқда. Бу жараёнда агрокластерларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.


Кластер деганда бирор турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик занжирида маълум ихтисослашув ва меҳнат тақсимотига эга

ҳамда ягона мақсад йўлида уюшган корхоналар тизими тушунилади. Агросаноат мажмуасига нисбатан қўлланилганда эса, “агрокластер” қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш технологик тизмида ўзаро уюшган ҳолда фаолият олиб борувчи фермер ва дехқон хўжаликлари, қайта ишлаш саноати корхоналари, сақлаш, логистика ва сотиш инфратузилмаларининг ягона мақсад йўлида бирлашган тузилмасини англатади (1.7-чизма).

Кластерга кирган корхоналар ўртасида ўзаро рақобат муҳити мавжуд бўйсада, шу билан бир вақтнинг ўзида улар ўртасида юқори даражада ҳамкорлик (кооперация) алоқалари мавжуд. Чунки бунда ишлаб чиқариш жараёни маълум босқичларга ажратилган ва уларнинг ҳар бири учун маълум бир фирма жавобгар ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боланган бўлади, лекин бу уларнинг ўзаро қарамлигини билдиrmайди. Аксинча, ишлаб чиқариш йўналишлари ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақиллик таъминланади. Ҳар бир корхона бир-бирисиз фаолият кўрсата олмайдиган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади. Ишлаб чиқариш жараёни кўп сонли фирмалар ўртасида тақсимланишининг муҳимлиги ўзаро бир-бирин тўлдирувчи ишлаб чиқариш босқичларида юқори даражадаги ихтисослашувга эришишни таъминлайди.

Кластерлар уюшмалари ўз таркибларига микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарни бириктириши ёки ўз атрофига субпудратчиларни уюштирган йирик корхоналардан ҳам ташкил топиши мумкин. Айрим кластерлар факат биргина ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашади, бошқалари эса бир-бирига туташ фаолият турлари ёки пировард натижада битта йирик тармоқга хизмат кўрсатадиган турли ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ўз ичига олади.



1.7-чизма. Галлачилик агрокластери фаолият қўрсатишнинг функционал модели

Кластерларга жамланган корхоналарнинг ракобат курашидаги афзаликлари учта жиҳати билан мухимдир.

- Ихтисослашув;
- Кооперацион ҳамкорлик;
- Бозордаги ўзгаришларга тез мослашувчанлик.

Ихтисослашув маҳсулот сифатини назорат қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам самарали ечишга имкон яратади. Агар фирма бир хил фаолият тури билан шугулланса, у ўша йўналишда сидқидилдан иш юритишига ва доимий изланишда бўлишига тўғри келади.

Жанубий Кореяning “Чунгдо хурмо кластери (Чунгдо Персиммон Слустер) 2009 йилда фермерлар ташаббуси билан ташкил этилган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Корея дунёда этиштирилаётган 12 фоиз хурмони ишлаб чиқаради. Ушбу ҳудудда Кореядаги уругсиз хурмонинг 65% и этиштирилади. Фермерлар ташаббуси асосида ташкил этилган ва бошқариладиган ушбу кластер хурмодан йил давомида янги узилган, ярим куритилган, куритилган, ферментация қилинган, хурмо ёғи, хурмо виноси, ранг ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу кластер яна бир бор агрокластерда “бизнес – университет- илмий тадқиқот - давлат”нинг биргаликдаги ҳаракати ва бунда илмий тадқиқотларга асосий эътибор берилган. Фермерларнинг ушбу кластерга қўшилиши натижасида оладиган даромадлари бошқа тармоқлар қўшилиши хисобига кескин ошганлигини кўриш мумкин”²³.

Маълумотларга қараганда мамлакатимизда 2012-2013 йилларда Корея Ривожлантириш Институти кўмагида “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни ривожлантириш: Корея тажрибаси ва билимларни улашиш” лойиҳаси натижасида Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда

²³ Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, И.Фаниев, М.Муродова. Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари. “Ўзбекистон агросаноат мажмусининг ракобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. ТДИУ, 2014 йил 30 апрель, 167-173 бет.

ирик потенциал мавжудлиги аниқланган ҳамда “Ўзбекистон агросаноати мажмуасида агрокластер ташкил этиш” лойиҳаси асосида Самарқанд вилоятидаги Жомбой (олма) ва Булунғур (томат) туманлари тажриба синов сифатида олинган.

Агрокластерларни ташкил этишда Италия ва Жанубий Корея каби мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида қўйидаги хуносаларга келиш мумкин:

- Агрокластерлар мева – сабзавотларни маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш - сотиш технологик жараёнларини ягона интеграцион тизимга бирлаштириш орқали маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини назорат қилиш ҳамда оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини таъминлайди;
- Агрокластерда меҳнат тақсимоти, худудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;
- Агрокластерлар қишлоқ ҳудудларининг асрлар давомида шаклланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва миллий анъаналардан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги билим, кўникма ва тажрибаларидан самарали фойдаланишга, уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолишга имкон яратади;
- Агрокластерларда давлат – олий ўқув юртлари – илмий тадқиқот муассасалари - фермер хўжаликлари – қайта ишлаш корхоналари - тайёрлов ва сотиш тузилмаларининг ҳамкорлиги натижасида мунтазам равишда фермерларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришга юкори унумли замонавий технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш ишлари жадаллашади;
- Агрокластерлар мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Италия кичик корхоналари кластерларининг якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона (буюртмачи) атрофида хомашё етказиб берувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг тўпланиши асосида “кластер туманлари” ташкил этиш тажрибасидан мамлакатимизнинг Бахмал ва Жомбой туманларида олма, Паркент, Сариосиё ва Самарқанд вилоятининг бир қатор туманларида узум, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота каби туманларида сабзавотлар, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида мева-сабзавотчилик, Фарғона вилоятининг Қува, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Сурхондарё вилоятининг Даҳнобод туманларида анор етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш бўйича агрокластерлар ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда АСМ ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда минтақавий агросаноат кластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича тўпланган тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги кластерларни ташкил этиш босқичларини келтириш мумкин:

Биринчи (тайёрлов) босқичида минтақада агросаноат кластернинг таркибий моделини умум услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш назарда тутилади. Корхоналар, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш кучлари нотижорат шерикчилик ёки уюшмаларга бирлашади, мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилади, бунда корхона, фирма ва ишлаб чиқариш кучлари юридик жиҳатдан ўз мустақиллигини сақлайди. Мазкур босқичда кластернинг юрагини (кластер таркибига кирувчи асосий тармоқ ва тузилмалар – ташкилий жараёндаги аҳамиятлиги ёки АСМ маҳсулот ҳажмидаги улуши бўйича) ва танасини (қўшимча тармоқлар ва агрoserвис хизматлар) алоҳида ажратиб олиш лозим.

Иккинчи (таҳлил қилиш) босқичда корхона, ташкилот ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг умумий муаммолари, тез ўсиши мумкин бўлган нуқталари, бозорни шакллантириш истиқболлари аниқланади ва


таҳлил қилинади. Бундан ташқари, етакчилар аниқланади, биргалиқда фаолият кўрсатиш режалари тузилади. Аниқланган кластер моделини стратегик таҳлил қилинади, унинг кучли ва заиф томонлари аниқланади, кластер ривожланишининг лойиҳаси ишлаб чиқилади. Мазкур босқичда кластер фаолият кўрсатишнинг маъмурий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий механизмларга кўпроқ эътибор берилади.

Кластерни ташкил этишнинг учинчи (ташкилий-иқтисодий) босқичи ягона кластер моделини шакллантириш, кластернинг самарали фаолият кўрсатиши бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, шу жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни назарда тутади. Шу боис мазкур босқичда минтақада агросаноат кластер иштирокчиларнинг биргалқдаги фаолият миқёсини аниқлаш, кластернинг алоҳида тузилмалар зиммасига муайян вазифаларни юклаш ҳамда кластернинг ривожланиш концепциясини янгилаш лозим.

Тўртинчи босқич кластер фаолият кўрсатишининг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади. Мазкур босқич кластернинг узоқ муддатли барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиш сценариясини, шу жумладан унинг алоҳида минтақалар бўйича фаолият кўрсатиши прогнозини ишлаб чиқишни, синергетик самарани аниқлаш ҳамда унинг минтақани ривожлантириш стратегиясига кўшаётган ҳиссаси нуқтаи назардан кластер фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича асосланган методикасини ишлаб чиқишни назарда тутади²⁴.

Шунингдек, минтақада агросаноат кластерларни янада ривожлантириш концепцияси ва дастурлари муайян минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик вазифалар билан мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

²⁴ Управление экономическими системами. Источник: <http://www.uecs.ru/uecs-32-3222011/item/548-2011-08-08-11-19-13>



1.8-чизма. Минтақавий агросаноат кластерларни ташкил этиш босқичлари²⁵

Агросаноат кластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишида илмий ва фан-таълим тузилмалари алоҳида ўрин тутади. Анъанавий тарзда ушбу вазифани минтақада улар олий таълим муассасалар ва турли илмий марказлар бажармоқда.

Кластер минтақавий иқтисодиёт таркибида тубдан янги элемент сифатида, шунингдек, қўйидаги ижтимоий-иктисодий самараларга эришишга имкон беради: минтақанинг инновацион салоҳиятини ошириш, минтақада фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг ва иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, пировардида эса бутун минтақани ривожлантириш, янги корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга рағбатлантириш ҳамда қўшимча иш ўринларни яратишга замин яратилади.

Кластерлар – бу алоҳида давлат, минтақа, шаҳар ва ҳудудий тузилмаларида муҳим рол ўйнайдиган ўзаро боғлиқ бўлган фирма, етказиб берувчилар, тармоқлар ва ихтисослашган институтларнинг географик жиҳатдан бир жойда тўпланишидир.

Кластерлар ҳар қандай яхши ривожланган иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятига эга, шу боис кластерларни шакллантириш АСМининг иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим таркиблардан бири ҳисобланади.

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

АСМ тизимида кластер асосидаги фаолият турларидан түрі фойдаланиш унинг рақобатли устунликни ва барқарорлыкни, шу жумладан ахборот технологиялар ҳисобига таъминлайди. Шуни таъкидлаш керакки, ахборот инқилоби қуйидагилар орқали рақобатга сезиларли даражада таъсир күрсатади:

- тармоқнинг тузилмасини ўзгартиради ва рақобатнинг янги қоидаларини ўрнатади;
- субъектларга меңнат унумдорлиги бўйича рақобатчилардан устун бўлишнинг янги имкониятларини бериб, рақобатчилик устунлигини яратади;
- тубдан янги бизнес турларини вужудга келтиради, кўпинча бевосита субъектларда мавжуд бўлган жараён ва операциялар асосида;
- бизнес-жараёнларнинг ўзгариши йўналишлари ва тартибини шакллантиради, шу жумладан қишлоқ хўжалиги кластерларни ташкил этиш ҳисобига;
- ишчиларнинг малакасини доимий ошириш бориши шароитларни яратади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган кластерли ёndoшув иқтисодиётнинг мезодаражада интеграцион жараёнларни рағбатлантиришга имкон берадиган ҳудудий ва тармоқлараро бошқарув усулларидан биргаликда фойдаланишини ўз ичига олади. Рақобатбардошлик нуқтаи назардан муваффақиятли қишлоқ хўжалиги кластерларни ташкил этишда ҳудди интеграциялашган бирлашмаларда каби кластер иштирокчиларининг ўзаро муносабати натижасида синергетик самара юзага келади.

Қишлоқ хўжалиги кластерлари учун рақобат ва кооперациянинг мураккаб комбинацияси хосдир. Минтақавий бозорда қишлоқ хўжалиги кластерлари минтақавий тармоқнинг ягона агентлари сифатида фаолият кўрсатади, бу эса уларнинг teng ҳукуққа эга бўлиш ҳамда глобал рақобат тенденцияларга бардош бера олишга имкон беради.

Кластерларнинг алоҳида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан яқин ва узоқ истиқбол йилларида янгиликларни яратиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш жорий меҳнат унумдорлигидан кўра муҳимроқ ҳисобланади. Кластерга кирган қишлоқ хўжалиги корхоналари бирламчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи (дехқон ва фермер хўжаликлари) ҳамда ҳаридорларнинг эҳтиёжларини биладиган ҳамда шаклланган ўзаро муносабатларга эга бўлган қайта ишлаш ва савдо корхоналари фаолиятидан даромад олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларида агарар кластерларда иштирок этиши натижасида, шунингдек, янги технологиялар, ишлаш услуби ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсултларни етакзиб бериш имкониятларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Кластерга кирган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатли устунликларини шакллантириш учун бозор муҳитидаги ўзгаришларига тезкор ва эгилувчан мослашиш муҳим аҳамият касб этади.

3-боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича хулоса қиласиган бўлсак, бугунги глобаллашув янада кенгайиб бораётган, дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ўзаро алоқадорлиги ошибб бораётган, ресурсларга ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобати кескинлашиб бораётган шаритида кластер модели иқтисодиётнинг, жу жумладан агарар соҳасининг фаолият кўрсатишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Европа кластерлар обсерватория маълумотларга кўра Европа Иттифоқи мамлакатларида жами қарийб 2100 кластерлар мавжуд бўлиб, уларда умумий сонидан 38 % ишчи кучи ишламоқда. Кластерларнинг умумий сонидан 11,5 % айнан агросаноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Бунда шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, 31тадан 26та (ёки 84 %) Европа давлатларида миллий

кластер дастурлари мавжуд. Россияда ҳам кластер ёндошуви амалиётда фаол қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 кластерлар мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4таси озиқ-овқат соҳасида ташкил этилган.

Кластер моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, тўлақонли кластер яққол намоён бўлган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Шу боис биринчи навбатда бир қатор қўшни ҳудудларни таъминлай оладиган муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми юқори бўлган ҳудудларни аниқлаб олиш лозим. Ихтисослашувни аниқлашнинг асосий мезонларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ҳисобланиб, у ўз навбатида ихтисослашув коэффициенти ва аҳоли жон бшига тўғри келадиган ишлаб чиқариш коэффициенти ёрдаида аниқланади, бунда унинг охирги 3-5 йил динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштирилган ҳолда қўйидаги хуносаларни чиқариш имконини беради:

- агросаноат интеграцияси хўжалик юритишнинг ўзига хос шаклини ўзида намоён этади ва бу шакл қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан белгилаб берилади;
- унинг ривожланишидан, биринчи навбатда, майда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатдор бўлган агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш иштирокчилари ҳамда ушбу жараёнларга жалб этилган бозор тузилмаларининг интеграцион алоқаларини ривожлантиришнинг ягона варианти ҳисобланмайди. Агросаноат интеграциясини ривожлантириш

хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини сақлаб қолувчи интеграцион жараёнлар ва бозор инфратузилмаларининг янада ривожланиши билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошиши лозим;

• Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хом-ашёсининг қайта ишловчилари билан интеграцияси қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулоти нархлари ўртасида юзага келган номутаносибликка барҳам бериш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар, шу жумладан инвестициялар жалб этишнинг муҳим омили ҳисобланади;

• саноат ва қишлоқ хўжалиги интеграциясини ривожлантиришнинг муҳим ва зарурий таркибий қисми бўлиши зарур, унинг шаклланиши, вужудга келиши ва ривожланиши қишлоқ аҳолиси турмушининг ижтимоий-иқтисодий шарт- шароитлари билан белгиланган.

Хулоса ва таклифлар

1. Агросаноат интеграцияси хўжалик юритишнинг ўзига хос шаклини ўзида намоён этади ва бу шакл қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш ва уни қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан белгилаб берилади;
2. Унинг ривожланишидан, биринчи навбатда, майда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатдор бўлган агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш иштирокчилари ҳамда ушбу жараёнларга жалб этилган бозор тузилмаларининг интеграцион алоқаларини ривожлантиришнинг ягона варианти ҳисобланмайди. Агросаноат интеграциясини ривожлантириш хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини сақлаб қолувчи интеграцион жараёнлар ва бозор инфратузилмаларининг янада ривожланиши билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошиши лозим;
3. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги билан дон маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ўртасида бозор иқтисодиёти талабларига мос шаклланган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари ишлаб чиқилди.
4. Ўзбекистонда донли экинларнинг асосий етиширувчилари фермер хўжаликлари ҳисобланади. Аммо донли экинлардан олинган ҳосилдорлик дехқон хўжаликлирида юқори. Бу ер майдони камлиги ҳамда унга ишлов бериш ва агротадбирларни ўтказиш учун кўп маблағ кетмаслиги, ишлов бериш қулайлиги ва бошқа шунга ўхшаш омиллари туфайли эришилган. Акс ҳолат қишлоқ хўжалиги корхоналарида кузатилди, бу ерда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан барча донли экинларнинг ўртacha ҳосилдорлиги жуда паст.
5. Қашқадарё вилоятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ва мавжуд ижтимоий-иктисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда мазкур худудда ғаллачилик кластерни ташкил этиш таклиф этилди.

6. Карши “ДУНЁ-М” АЖи фаолияти таҳлил қилиниб, корхонанинг самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу ҳудудда ғаллачилик агрокластери фаолият кўрсатишнинг функционал модели ишлаб чиқилди.

7. Дехқончиликда инновацион технологияларни жорий этиш ва селекция-уругчилик фаолиятини ривожлантиришни фаоллаштириш негизида Қашқадарё вилоятида донли экинларни етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-куватлаш, бу эса мавжуд кластерларни Ўзбекистонда энг муҳим агрокластерлардан бирига айланишга замин яратиб беради;

8. Донли экинларни қайта ишлаш бўйича корхоналар томонидан озиқ-овқат занжирини тўлдириш йўли билан кластерни мақсадли ривожлантириш, бу эса юқори қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишга имкон беради;

9. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хом-ашёсининг қайта ишловчилари билан интеграцияси қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулоти нархлари ўртасида юзага келган номутаносибликка барҳам бериш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар, шу жумладан инвестициялар жалб этишининг муҳим омили ҳисобланади;

10. Саноат ва қишлоқ хўжалиги интеграциясини ривожлантиришнинг муҳим ва зарурӣ таркибий қисми бўлиши зарур, унинг шаклланиши, вужудга келиши ва ривожланиши қишлоқ аҳолиси турмушининг ижтимоий-иктисодий шарт- шароитлари билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва
қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: 24 декабрь 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 25 май 2000 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 14 апрель 1999 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. – Т.: – 25.12.2007.
–263 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” –Т.: “Адолат”. –1999.
–136 б.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. –Т.: 2009.– № 52. –17-54 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни// “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 15 июнь.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуни// “Ўзбекистон овози” газетаси, 1998 йил 1 май.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 77-II-сонли “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни// “Ўзбекистон овози” газетаси, 2000 йил 27 май.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни.
www.Lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация

қилиш ва таркибий ўзгартеришини таъминлашнинг дастурий чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йилларда даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янала модернизация қилиш, техника ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарувни ташкил этишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1633-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 августдаги “2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни чукурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-252-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-176-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони. 2017 йил 7 февраль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2017 йил 6 декабрь.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

21. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. -Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
- 22.И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июнь.
- 23.И.А.Каримов. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16-январь.
- 24.Ш.М.Мирзиёев. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 31 декабрь.
- 25.Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак //“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 15 январь.

II. Дарслиқ, ўқув қўлланма ва даврий нашрлар

- 26.Р.Хакимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслиқ. – Т.: ТДИУ, 2009. -292 б.
27. А.В.Ткач.Сельскохозяйственная кооперация. Учебное пособие. -М.: Дашков и К°, 2006. -364 с.

- 28.А.В.Турьянский, В.Л.Аничин. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд.испр. и доп. - Белгород: Издательство БелГСХА, 2010. -192 с.
- 29.В.А.Кундиус. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие. -М.: КНОРУС, 2010. -544 с.
- 30.А.Н.Романов, Ю.Ю.Корлягов и др. Маркетинг. Учебник. -М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1996. – 560 с.
- 31.А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Молия” нашриёти, 2014. -346 б.
- 32.A.Abdug'aniev, A.A.Abdug'aniev. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Darslik. – Т.: “Adib nashriyoti” MChJ, 2011. -400 b.
- 33.М.С.Юсупов. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: Адид нашриёти МЧЖ, 2009. -320 б.
- 34.Е.В.Серова. Аграрная экономика. Учебник. -М.: ГУ ВШЭ, 1999. -480 с.
- 35.Xusanov R.X. Agrosanoat kompleksi iqtisodiyoti: (to'ldirilgan ikkinchi nashri. O'quv qo'llanma). –Т.: Quvasoy, 2003. -771 b.
- 36.Ergashev R.X. “Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti”, Darslik. Т.: “EKSTREMUM PRESS”, 2011 y, -416 b.
- 37.Ergashev R.X., Shoxo'jaeva Z.S. “Dehqon va fermer xo'jaliklari iqtisodiyoti”. О'quv qo'llanma. Т.: “Iqtisod-moliya”. 2016 yil, 468 bet.
- 38.Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, И.Фаниев, М.Муродова. Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари. “Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш” мавзусидаги республика илмий амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. ТДИУ, 2014 йил 30 апрель, -167-173 б.
- 39.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий тенденциялари (2005-2014 йиллар). Ахборот таҳлилий шарх//

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти. Тошкент -2015. -50 б.

- 40.“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш” бўйича Илмий-Услубий рисола. ТДИУ профессор-ўқитувчилари жамоаси. -Т.: 2017. -244 б.
- 41.“Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг аграр сиёсати ва унинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2010-йил 28–29-май. Т., 2010. 312 б.
- 42.Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-техник анжумани мақолалари тўплами. 2013-йил 29-30-март. Қарши, 2013. 446 б.

III. Статистик маълумотлар

- 43.Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2004. Т., 2005. С.203.
- 44.Основные индикаторы развития сельского хозяйства республики Узбекистан (2005–2015 гг.). Т., 2015. С.27.
- 45.Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармаларининг 2015–2018 йиллардаги маълумотлари.
- 46.Қарши “ДУНЁ–М” акционерлик жамиятининг 2015–2018 йиллардаги статистик ҳисботи.

IV. Интернет сайtlари

47. Коваленко Н.Й. Экономика сельского хозяйства. М.: Юркнига, 2004.
<http://shopper.h1.ru/books.html10?topicq935&pageq1>
48. Экономика и управление в сельском хозяйстве. 2003.
<http://psbatishev.narod.ru/libraru/03762.htm>
49. Королев Ю.Б. и др. Менеджмент в АПК. 2002. Учебник.

50. Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti. www.tsue.uz
51. www.uhh.hawaii.edu Universitu of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Qulaitu Program.
52. www.ecfak.timacad.ru Московская сельскохозяйственная академия.
53. www.admin.ru Приамурский институт агроэкономики и бизнеса.
54. Mardonova A.T., Isoqova S.A. Agrar sohada mulkiy munosabatlarni ro‘yobga chiqarishning dolzarb uslublari. www.ski.ilm.uz
55. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
56. Розвож интеграсэ а инфраструктура. www.deloitte.com
57. Recentlu Published Books. www.eastview.com
58. Московская сельскохозяйственная академия. www.ecfak.timacad.ru
59. Приамурский институт агроэкономики и бизнеса www.admin.ru
60. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Академия, 2003. <http://web.book.ru/cgi-bin/book.p1o‘pa geq 4&bookq>